



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 23 » noyabr № 619

Toshkent sh.

### **Шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш орқали маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловаға мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**а) лойиҳалаштириш ва қурилишнинг айрим фаолият турларини лицензиялаш бўйича:**

чет эл юридик шахсларига (доимий муассасаси мавжуд бўлган) лицензия бериш тартибини жорий этиш;

аризаларни кўриб чиқиш муддатларини 5-10 кунгача қисқартириш;

ходимлар маълумоти, сони ва иш стажига бўлган талабларни кучайтириш;

**б) шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш бўйича:**

олий маълумотға эға мутахассисларнинг асосий иш жойи бўйича фаолият юритиш талабини белгилаш;

эксперт хулосасини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимиға мажбурий киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

**в) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда (рухсат олинмасдан) қурилган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун рухсатнома беришни бекор қилиш;**

г) қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш учун юридик шахсларга бўлган талабларни кучайтириш;

д) объектларнинг **хавф-хатар тоифалари таснифини** такомиллаштириш.

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси **2024 йил 1 апрелдан** ҳудудий инспекцияларда **рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларни** инструментал техник текширувдан ўтказиб, фойдаланишга рухсат бериш ишларини **тўхтатсин.**

3. Лойиҳалаштириш ва қурилишнинг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар (лицензиат) ҳамда **шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахслар** учун мазкур қарор билан белгиланган лицензия ҳамда аккредитация талаб ва шартлари **2024 йил 1 мартдан** кучга киради.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва тегишли бош лойиҳа институтлари билан биргаликда қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифаларини таҳлил қилиб, **уч ой муддатда хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатини тасдиқласин;**

**2024 йил 1 мартга қадар** фаолият олиб бораётган амалдаги лицензиатлар ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларнинг фаолияти мазкур қарор билан белгиланган лицензия ва аккредитация талаб ва шартларига мувофиқлаштирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг махмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “23” ноябр даги 619 сон қарорига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш” сўзларидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Қуйидагилар аккредитация қилиш талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) қонунчилик ҳужжатлари, давлат стандартлари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мажбурий риоя этиш;

б) муассислар ва (ёки) экспертиза органлари бенефициарлари таркибида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахсларининг бўлмаслиги;

в) мулк ҳуқуқ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида экспертиза органи фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бинолар ва иншоотлар, техник-технологик ва аппарат-дастурий воситаларнинг мавжудлиги;

г) талабгорнинг штатида қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш бўйича лойиҳалаштириш ишларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган 6 нафардан кам бўлмаган сертификатланган, соҳа бўйича олий маълумотли мутахассислар, шу жумладан, архитектура ва қурилиш ечимлари бўйича (архитектор, конструктор) 2 нафар мутахассис, 1 нафар смета (баҳолаш) бўйича мутахассис, 1 нафар ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассис, 1 нафар муҳандислик тармоқлари бўйича мутахассис, 1 нафар энергия самарадорлиги бўйича мутахассиснинг айна шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича мавжуд бўлиши;\*

д) лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилотлари томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Эксперт хулосаларининг ягона реестри”га мажбурий киритилиши;

е) эксперт тайинланишида бевосита ёки билвосита иштирок этган лойиҳалар юзасидан ёхуд эр (хотин) ва (ёки) бошқа яқин қариндошлар иштирокида бажарилган лойиҳалар юзасидан экспертиза ўтказмаслик;\*

ё) шаҳарсозлик фаолиятининг субъектлари билан меҳнатга оид, молиявий жиҳатдан ва (ёки) бошқача тобелик муносабатларида бўлмаслик;\*

ж) лицензияланган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини айнан ушбу ташкилот томонидан экспертизадан ўтказмаслик;\*

з) шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган хавф-хатар тоифалари бўйича кўриб чиқиш;\*

и) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўз ичига олган маълумотлар базасининг шакллантирилиши шарт.

**Изоҳ.** \* *Кўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар*”.

в) 8-банд куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.”

г) 9-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Аккредитацияловчи орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида ҳужжатларни текшириши, заруратга кўра бошқа давлат органларидаги мавжуд, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олиши, объектларни жойига чиқиб ўрганиши, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз ходимлари таркибидан ёки ўз ҳисобидан бошқа шахсларни жалб қилган ҳолда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиши, шунингдек, талабгорнинг аккредитация талаблари ва шартларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин”;

д) 11-банднинг “а” ва “б” кичик бандлари куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

Талабгор берилган сўровномадан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим қайтарилмайди.

Талабгор унга гувоҳнома бериш рад этилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида гувоҳномани олиш учун йиғимни тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”;

е) 17-банднинг “а” ва “б” кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади”;

ё) 25-банддаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” сўзлари “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 28-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги “Қурилиш вазирлиги” сўзлари “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2-иловадаги 3, 5 ва 6-бандлар чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 20 августдаги 496-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчиси хатбошисидаги “қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг” сўзлари “Қурилиш ва коммунал хўжалиги назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – инспекция) ҳамда қурилиш ва уй-жой

коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) томонидан хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, қурилиш объектларида давлат қурилиш назоратини олиб бориш тартибини белгилайди”;

14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Қуйидагилар архитектура, лойиҳалаштириш ва бош режаларга риоя этилиши бўйича амалга ошириладиган давлат архитектура назоратининг предмети ҳисобланади:

мутасадди вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, туман, шаҳар қурилиш бўлимлари томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши”;

15-банддаги биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифаси бўйича мураккаблик тоифалари  
ТАСНИФИ**

Т/р	Объектларнинг номи	Кўрсаткичлар ва тавсифлар	Тоифа
<b>А. Ишлаб чиқариш объектлари</b>			
<b>1. Энергетика объектлари</b>			
1.1	Атом ва ядро саноати соҳаси	– уранни қазиб олиш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш объектлари; – ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи объектлар; – ядровий ва радиоактив материалларни ташувчи объектлар; – радиоактив чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш объектлари; – ядровий ва радиоактив материаллар, радиоактив чиқиндиларни сақлагичлар; – атом реакторлари; – гамма қурилмалар, циклотрон ва тезлатгичлардан фойдаланувчи объектлар	IV
1.2	Гидроэлектр станциялар (ГЭС)	қуввати 30 МВт гача бўлган кичик станциялар; қуввати 30 МВт дан юқори станциялар;	III IV
1.3	Иссиқлик электр станциялари (ИЭС), буғ қозонлари	қувватидан қатъи назар	IV

1.4	Фотоэлектр станцияси	қуввати 1 МВт гача	III
		қуввати 1 МВт дан юқори	IV
1.5	Очиқ тақсимлаш қурилмалари (ОРУ)	кучланиши 35 кВ, 110 кВ	IV
		кучланиши 220 кВ, 500 кВ	IV
1.6	Ёпиқ тақсимлаш қурилмалари (КРУН, ЗРУ)	кучланиши 6-10 кВ	III
		кучланиши 35 кВ, 110 кВ	IV
1.7	Трансформатор подстанциялари (бир ёки икки трансформаторли)	кучланиши 35/6-10 кВ, 35/0,4, 10/0.4, 6/0.4 кВ тақсимлаш пунктлари	III
		кучланиши 110/35/6-10, 110/6-10кВ ва ундан юқори (220/6-10, 220/35/6-10, 220/110/35/6-10, 500/110/35-10, 500/220/35-10, 1000/500 кВ)	IV
1.8	Ҳаво электр узатиш тармоқлари (1 ва 2 занжирли)	кучланиши 35 кВ гача бўлган (0,4, 6, 10 кВ)	III
		кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган (110, 220, 500, 1000 кВ)	IV
1.9	Кабель электр узатиш тармоқлари	кучланиши 35 кВ гача бўлган (0,4, 6, 10 кВ)	III
		кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган (110, 220, 500, 1000 кВ)	IV
1.10	Электр энергетика соҳасининг бошқа объектлари	ёрдамчи бинолар ва қурилмалар	II
<b>2. Нефть, газ ва кўмир саноати объектлари</b>			
2.1	Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш объектлари	– кудуқлар (параметрик, қидирув, тузилмавий, эксплуатация ва б.);	IV
		– конда ва конлараро ташиш қувурлари (газ қувурларининг кириш қисми блоки билан);	
		– кон ичидаги қувурлар ва газ йиғиш коллекторлари;	
		– жамлаш пунктлари;	
	– магистрал қувур ўтказгичлар (насос, компрессор, газ тақсимлаш ва босимни кўтариш компрессор станциялари билан);		
	– компрессор хўжалиги объектлари (газни қуритиш қурилмаси, ёрдамчи машина-агрегатлар);		
	– маҳсулотларни сақлаш ва тушириш-юклаш объектлари (резервуарлар парки, қуйиш ва тўкиш эстакадалари билан)		
	ўрта ва паст босимли газ тақсимлаш пункти	III	
	паст босимли қувурлар	II	
	газни ҳисоблаш узеллари	III	
2.2	Суюлтирилган табиий газни сақлаш ва тушириш-юклаш жойлари	ҳажми – 100 м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
		ҳажми – 100 м <sup>3</sup> гача	III
2.3	Инерт газлар ишлаб чиқариш		III
2.4	Биогаз қурилмалари	реактор ҳажми 50 м <sup>3</sup> гача	II
		ҳажми 50 м <sup>3</sup> дан юқори	III
2.5	Кўмир конлари	шу жумладан, ер ости шахталари	IV
2.6	Кўмирни ер ости усулида газга айлантириш майдонлари		IV

2.7	Кўмир майдасидан (увоғи) кўмир брикетларини ишлаб чиқариш		II
2.8	Кўмирни сақлаш ва қайта юклаш очик омборлари		II
2.9	Кислород ва бошқа газлар ишлаб чиқариш	завод шароитида тайёрланган модул типидagi, ишлаб чиқариш ҳажми 50 м <sup>3</sup> /соат қувватгача	II
		ишлаб чиқариш цехи, ҳажми 8 000 м <sup>3</sup> /соат қувватгача	III
		ишлаб чиқариш цехи, ҳажми 8 000 м <sup>3</sup> /соат қувватда ва ундан ортик	IV
2.10	Газгольдерлар ва реципиентлар	ҳажми 50 м <sup>3</sup> гача ва босими 10 кг/см <sup>2</sup> гача	III
		ҳажми 50 м <sup>3</sup> дан катта ва босими 10 кг/см <sup>2</sup> дан юқори	IV
2.11	Водород ишлаб чиқариш	барчаси.	IV
<b>3. Тоғ-кон саноати объектлари</b>			
3.1	Тоғ-кон бойитиш фабрикалари (комбинатлари)	майдалаш, бойитиш корпуслари, концентрат омборхоналари	IV
3.2	Шахталар, конлар, очик карьерлар	– бойитиш фабрикаси; – ер остидан руда олиш шахталари, конлар ва очик карьерлар; – карьер ва шахта олди саноат майдончалари	IV
3.3	Комплексдан ташқари ва комплексга кирадиган бошқа алоҳида объектлар	мақсадларига кўра ишлаб чиқариш билан боғлиқ (технологик) жараёнларни ташкил этиш учун бино ва иншоотлар	IV
3.4	Суюқ холатдаги чиқиндиларни сақлаш жойи	Чиқиндихоналар	IV
3.5	Суюқ холатдаги чиқиндиларни сақлаш жойининг алоҳида объектлари (чиқиндихоналар)	тўсиб турадиган дамбалар, фильтрациядан сақловчи экранлар, гидротехник иншоотлар	IV
3.6	Хомашёни қайта ишлашдан чиққан чиқиндиларни сақлаш жойлари	қолдиқ жинслар уюмлари ва шлам тўплагичлар	III
3.7	Пульпа насос станциялари	куввати соатига 300 м <sup>3</sup> дан ортик	IV
		куввати соатига 300 м <sup>3</sup> гача	III
3.8	Магистрал пульпа қувурлари	қувур диаметридан қатъий назар	III
3.9	Айланма совитиш суви насос станцияси (сув олиш иншооти билан)	куввати соатига 150 м <sup>3</sup> гача	II
		куввати соатига 150 м <sup>3</sup> дан ортик	III
3.10	Махсус гидротехник иншоотлар	дренажлар, сув кетказиш каналлари, қирғоқ ва асосини мустаҳкамлаш, ш.к.	II
		диаметри 400 мм. гача ўлчамдаги ёпик дренажлар, ўтказувчанлиги 100м <sup>3</sup> /секундгача юқори оқимли каналлар, қирғоқларни мустаҳкамлаш (шу жумладан, дарё ва сойлар), шу кабиларнинг ўзани ва асосини тартибга солиш.	III



		диаметри 400 мм. ва ундан катта ўлчамдаги ёпиқ дренажлар, ўтказувчанлиги 100м <sup>3</sup> /секунддан юқори оқимли каналлар, қирғоқларни мустақкамлаш (шу жумладан дарё ва сойлар), шу кабиларнинг ўзани ва асосини тартибга солиш	IV
3.11	Тош тузи олиш корхоналари	шу жумладан, ўзи чўкувчан тузни олиш конлари	III
3.12	Умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қайта ишлаш	йилига 100 минг м <sup>3</sup> дан кам ҳажмда	III
		йилига 100 минг м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
3.13	Қурилиш материаллари очиқ ҳолда олинадиган карьер	мармар, кум, шағал, турпоқ ва бошқалар	III
3.14	Карьерларни рекультивация қилиш ишлари		III
3.15	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари	нефть, газ ва бошқа модда ва материалларни ер остида сақлаш	IV
3.16	Тоғ-кон саноати объектларига хизмат кўрсатиш объектлари	сиғими 500 автомашинадан (енгил, оғир юк ва махсус) юқори автотранспорт цехлари	III
		сиғими 50 000 м <sup>3</sup> дан кўп бўлган сув тозалаш иншооти	IV
		қуввати соатига 10 Гкал дан юқори технологик иссиқлик таъминоти объектлари ва иссиқликни утилизация қилиш иншоотлари	IV
<b>4. Металлургия ва электротехника саноати</b>			
4.1	Тўлиқ цикли қора металлургия комбинатлари	металлургия цехлари, қуввати йилига 250 минг тоннадан кам	III
		металлургия печлари (куйдириш, қиздириш ва эритиш), йиллик қуввати 250 минг тонна ва ундан юқори	IV
4.2	Мартенли, электр эритиш ва конвектор услубида пўлат ишлаб чиқариш	чиқиндиларни қайта ишлаш цехлари билан, йилига 1 млн. т. маҳсулот чиқариш	IV
4.3	Чўянни руда ва компонентлардан эритиб олиш	домна печларининг ҳажми 500 м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
4.4	Металл парчаларни қайта ишлаш корхоналари	қолиплаш, пресслаш, прокат (чиғирлаш), чўзиш станлари, конвейерлар қуввати йилига 250 минг тоннадан кам	II
		қолиплаш, пресслаш, прокат (чиғирлаш), чўзиш станлари, конвейерлар йиллик қуввати 250 минг тонна ва ундан юқори	III
4.5	Қаттиқ ва қийин эрувчан қоришма металлларни ишлаб чиқариш		IV
4.6	Алюминий ишлаб чиқариш	йиллик қуввати 1000 тоннагача бўлган майший рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш	III
		қуввати йилига 1000 тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари	IV

4.7	Пайвандлаш, металлларга кимёвий ишлов бериш қурилмалари	металлни тозалаш ва унга кимёвий ишлов бериш линияси	III
4.8	Руда ва концентратлардан рангли металлларни қуйиш (қўрғошин, қалай, мис, никель ва ш.к.)	йилига 2000 т дан ортиқ	IV
		йилига 1000 – 2000 т	IV
		гидролиз йўли билан олиш	III
4.9	Рангли металлларни қайта ишлаш (мис, қўрғошин, рух ва ш.к.)		III
4.10	Чўяндан фасонкали деталлар қуйиш	йилига 10 – 20 минг дона	III
		йилига 20 – 100 минг дона	IV
4.11	Металлга ишлов бериш корхоналари	касаначилар ҳамда хунармандлар устахоналари, темирчилик печи	II
		симни чўзиш, мих ва болт-гайка ишлаб чиқариш, тунукага шакл бериш, пўлат листларни (рулон) кесиш ҳамда шакл бериш (гул солиш ва фрезеровка), уларни махсус қоплама билан қоплаш	III
		трос, маҳкамлаш мосламалари, резина саноати учун пўлат симлар, босим остида ишлаб чиқариладиган сим тўрлар, чоксиз пўлат қувурлар, рельс	IV
4.12	Металлардан халқ хўжалиги учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	фольга ишлаб чиқариш (мис, латунь, алюмин ва шу кабилар)	II
		эшик ва ромлар учун тайёр деталь ва фурнитура ишлаб чиқариш	II
		автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун тайёр, қуйма ва ишлов берилган деталлар ишлаб чиқариш	III
		совуқ холда ишлов бериш (пресслаш, кесиш, йўниш, штамповка, чиғирлаш) йилига 10 минг тоннагача	II
		совуқ ҳолда ишлов бериш (пресслаш, кесиш, йўниш, штамповка, чиғирлаш) орқали, инсон озик-овқатида қўлланиладиган маиший жиҳозлар ва идишлар ишлаб чиқариш корхоналари	III
4.13	Маиший металлургия	мавжуд ёки лойиҳаланадиган ижтимоий соҳа ва маиший хизмат кўрсатиш объектларининг таркибида тиббиёт мақсадида (стоматология, протезлаш, сунъий органлар тайёрлаш) ҳамда заргарлик фаолиятини амалга ошириш учун бинолар	II
4.14	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш	рангли ва бошқа металлдан заргарлик буюмларини автоматлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида ишлаб чиқариш корхонаси	III
4.15	Қурилиш ашёлари	металлдан сантехника жиҳозларини ишлаб чиқариш	III

		иситиш тизимлари учун радиаторлар ишлаб чиқариш	III
		эшик ва деразалар учун профиллар ва қоплама ишлаб чиқариш цехи	III
<b>5. Кимё саноати, минерал ўғитлар объектлари</b>			
5.1	Кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари	I тип хавфли ишлаб чиқариш объектлари	IV
		II тип хавфли объектлари	III
		III тип хавфли объектлари	II
		хавфли ишлаб чиқариш объекти жумласига кирмаган объектлар	I
5.2	Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш	микробиологик синтез асосида	IV
5.3	Заҳарли кимё маҳсулотларини ва минерал ўғитларни сақлаш омбори	50 т дан ортиқ	IV
		50 т гача	III
5.4	Минерал ўғитларни сақлаш ва юклаш очиқ омборлари	шу жумладан, бошқа минераллар	IV
5.5	Кимё саноати соҳаси ишлаб чиқариш объектлари	– портловчи моддалар; – радиоактив модда (изотоп)лар;	IV
		– резина ва резинотехника; – полимер буюмлар;	III
5.6	Кимёвий ва синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқариш объектлари	– ювиш ва тозалаш моддаларини; – сунъий ва синтетик толалар (вискоза, лавсан, целлофан ва б.); – каучук, шина, резина-техника; – техник ёғларни; – гидролиз йўли билан спирт олиш (шу жумладан, техник спиртлар)	III
5.7	Тайёр хомашёдан маиший кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари	ювиш ва тозалаш, санитар-гигиеник восита, шампунь ва бошқалар	III
5.8	Совун ишлаб чиқариш корхонаси	кичик ҳажмда ишлаб чиқариш	II
5.9	Кимёвий материаллар ишлаб чиқариш корхоналари	толалар, полимер материаллар ва пластмассалар	III
5.10	Пластмассани қайта ишлаш ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш корхонаси	қуйиш, экструзия, пресслаш, вакуумда шакл бериш ва бошқалар	III
5.11	ПВХ ва полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари	пакет, идиш ва бошқа маиший маҳсулотлар	III
5.12	Полиуретан ишлаб чиқариш		III
5.13	Ҳавони парчалаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси	металлургияда қўлланиладиган водород, хлор, аммиак олиш	IV
5.14	Бўлиниш натижасида сиқилган ва суюлтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари	сиқилган азот, кислород ва бошқалар	IV
5.15	Фотокимё маҳсулотлари корхоналари	фотоқоғоз, фотопластина, фото ва киноплёнкалар	III
5.16	Ошловчи моддаларни ишлаб чиқариш корхонаси		III

5.17	Кислота ишлаб чиқариш	барча турдаги	IV
<b>6. Машинасозлик, асбобсозлик, дастгоҳсозлик объектлари</b>			
<b>Оғир саноат ва транспорт машинасозлиги</b>			
6.1	Металлургия машинасозлиги заводлари	ишлаб чиқариш корпуслари, умумий майдони 20-90 минг м <sup>2</sup>	IV
6.2	Машинасозлик корхоналари	оғир прессларни ишлаб чиқариш	IV
		кимё-нефть саноати	IV
		енгил ва озиқ-овқат саноатлари	IV
		маиший ускуналар машинасозлиги	IV
6.3	Самолётсозлик корхоналари	жумладан, техник хизмат кўрсатиш	IV
6.4	Автомобилсозлик корхоналари	суткасига 25 тагача енгил автомобилни конвейерда йиғиш цехлари	III
		енгил ва юк автомобиллари, электромобиллар, электробуслар	IV
6.5	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	трактор, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва озиқа ишлаб чиқариш машиналари	IV
6.6	Қурилиш, йўл қурилиши ва коммунал соҳа машинасозлиги корхоналари	шу жумладан, кичик механизация ускуналарини ишлаб чиқариш	IV
		юк кўтарувчи кранлар, тортувчи электр жиҳозлар ишлаб чиқариш	IV
6.7	Йўл-қурилиш машиналари, автомобиль ва кузовлар ишлаб чиқариш	грейдер, скрепер, бульдозер, самосвал ва бошқалар	III
6.8	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини, авиация техникасини таъмирлаш корхоналари	темир йўл деполари ва авиация техникасини таъмирлаш парклари	IV
6.9	Темир йўл (юк ва йўловчи ташиш) ва метро вагонларини қуриш, ҳаракатланувчи таркибни ҳамда электробусларни таъмирлаш корхоналари	ишлаб чиқариш корпуслари, умумий майдони 10-110 минг м <sup>2</sup>	IV
6.10	Тепловоз ва электропоездлар ишлаб чиқариш заводи	ишлаб чиқариш корпуслари, умумий майдони 10-100 минг м <sup>2</sup>	IV
6.11	Аккумуляторлар, гальваник батареялар ва элементларни ишлаб чиқариш	шу жумладан, қўрғошинли ва ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқариш	IV
6.12	Металлга ишлов бериш ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун майда деталлар ишлаб чиқариш корхоналари	бўяш ишлари бўлган, қуйма ишлари бўлмаган	III
		металлни штамплаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш	III
6.13	Велосипед, веломотопед, скутер, электросамокат ишлаб чиқариш	йилига 10 минг донагача велосипед йиғиш цехи	II
		тўлиқ циклли велосипед, веломотопед, скутер, электросамокат ишлаб чиқариш корхоналари	III
6.14	Кемасозлик корхоналари	ўзиюрар, ўзиюрмас ва техник флот кемаларини ишлаб чиқариш	IV
<b>Асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни ишлаб чиқариш</b>			
6.15		таркибида захарли моддалар бўлган	IV
		дастгоҳ ва асбоблар	IV

	Асбоб-ускуналар ёки қурилмаларни ишлаб чиқариш корхоналари (ишлаб чиқариш корпусларини умумий майдони 35 минг м <sup>2</sup> ва ундан ортиқ бўлган)	координатли ҳисоблаш станоклари	IV
		умумий машинасозликда фойдаланиладиган асбоб-ускуна	IV
6.16	Асбоб-ускуналар ёки қурилмаларни ишлаб чиқариш корхоналари (ишлаб чиқариш корпусларини умумий майдони 35 минг м <sup>2</sup> гача бўлган)		III
6.17	Кичик ишлаб чиқариш корхоналари (ишлаб чиқариш корпусларини умумий майдони 2 минг м <sup>2</sup> ва ундан ортиқ бўлган)	дастгоҳлар	III
		гўшт-сут саноати учун ускуналар	III
		суюлтирилган ва сиқилган газда ишлайдиган ускуналар	III
		электр асбоб-ускуналарни йиғиш ва таъмирлаш	II
		пневмоавтоматика ускуналари	II
		иситиш қозон (котёл)лари	II
		металлга ишлов бериш	II
6.18	Спорт анжомларини ишлаб чиқариш корхоналари	кичик цехлар, устахоналар	II
<b>Электротехника саноати</b>			
6.19	Электротехника саноати объектлари (ишлаб чиқариш корпусларининг умумий майдони 35 – 50 минг м <sup>2</sup> )	– турбогенераторлар ва йирик электр машиналарини ишлаб чиқариш заводи; – кучланиш трансформаторларини ишлаб чиқариш заводи; – юқори кучланишли аппаратура ишлаб чиқарадиган завод; – қуввати 1600 кВА гача бўлган трансформатор подстанцияларини ишлаб чиқарадиган завод; –10 кВгача бўлган комплект трансформатор подстанциясини ишлаб чиқарувчи завод	IV
6.20	Маиший электр техникаларини ишлаб чиқариш корхоналари	ишлаб чиқариш корпуслари, умумий майдони 5 минг м <sup>2</sup> гача	II
		ишлаб чиқариш корпусларини умумий майдони 5 минг м <sup>2</sup> дан ортиқ	III
6.21	Электротехника асбобларини ишлаб чиқариш корхоналари	динамо машина, конденсатор, трансформатор, прожектор ва ш.к.	IV
		электр лампалари, фонарлар ва ш.к. (қуйма цехлари бўлмаган ва симоб ишлатилмайдиган)	III
6.22	Технологик жараёнларни автоматик бошқарув тизимлари асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш	шахталар учун автоматика	III
		сплинкер ва дренчер қурилмалари	III
		телекоммуникация тизимлари	II
		қўриқлаш-ёнгин сигнализацияси	II
6.23	Кабель ишлаб чиқариш корхонаси	қобиқланмаган ёки резина билан изоляцияланган	III
		қўрғошин билан қобиқланган	IV

6.24	Роботроника	роботларни ва пультада бошқариладиган ўзи ҳаракатланадиган жиҳозларни йиғиш корхоналари	III
6.25	Таъмирлаш бинолари	мобил қурилмалар, компьютерлар, офис ва маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари	II
		юқори кучланишли жиҳозлар ва электр ускуналарни таъмирлаш цехлари	III
<b>7. Ўрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати объектлари</b>			
<b>Ўрмон хўжалиги</b>			
7.1	Ўрмон хўжалиги объектлари	бино-иншоотлар мақсадига кўра белгиланади	II – III
7.2	Ёғоч маҳсулотлари ва хомашёларини сақлаш омборлари	сараланган ҳолда, очик жойларда	II
		сараланган ҳолда, ёпиқ жойларда	III
<b>Ёғочни қайта ишлаш</b>			
7.3	Ёғочни консервациялаш корхоналари	тузлар, ишқорлар ва кимёвий моддалар билан тўйинтириш	III
7.4	Ёғоч қипиқларидан боғловчи синтетик қатронларни қўллаган ҳолда маҳсулот тайёрлаш корхоналари	ёғоч-толали ва қипиқли плиталар (ДСП, ДВП)	III
		экструдер орқали ишлаб чиқариладиган ёғоч қипиқли полимер тахталар	III
7.5	Ёғочни кесиш, фанера ишлаб чиқиш корхоналари	шу жумладан, стандарт бинолар учун деталлар ишлаб чиқиш	III
7.6	Йўнилган ва сунъий химояловчи қопламали қисмларни ишлаб чиқарувчи мебель комбинати	рандалаш шпони ва химояловчи қисмлар ишлаб чиқариш	III
7.7	Ёғочдан кемасозлик корхоналари	катер ва қайиқларни ишлаб чиқариш	III
7.8	Дурадгорчилик корхоналари	дераза, эшик, паркет, яшик ва бошқалар	II
7.9	Мебель ишлаб чиқариш, йиғиш ва таъмирлаш корхоналари	локлаш ва бўяш ишлари билан	III
		локлаш ва бўяш ишларисиз	II
		йиғиш ва таъмирлаш цехлари	II
7.10	Уловларни ишлаб чиқариш цехлари	арава, эгар ва бошқалар	II
7.11	Гугурт ишлаб чиқариш		III
<b>Целлюлоза-қоғоз саноати</b>			
7.12	Оқланмаган сульфат целлюлозасини ишлаб чиқариш заводи	қуввати йилига 100 минг т	IV
7.13	Целлюлоза-қоғоз саноати объекти		III
7.14	Тайёр хомашёлардан қоғоз ва картон маҳсулотларини ишлаб чиқариш	целлюлозадан, сомондан ва бошқалар	III
		шу жумладан, макулатурадан	II
7.15	Салфетка, ҳожатхона қоғози, тагликлар ва гигиена воситалари ишлаб чиқариш	шу жумладан, иккиламчи маҳсулотлардан	II

<b>8. Қурилиш материаллари саноат объектлари</b>			
8.1	Цемент заводи, гипс (алебастр), бўр, оҳак ишлаб чиқариш корхоналари	қуввати йилига 3 млн. тоннагача цемент ишлаб чиқариш (портландцемент, пуцоланцемент, шлакопортландцемент ва бошқалар)	III
		қуввати йилига 3 млн. тоннадан юқори цемент ишлаб чиқариш (портландцемент, пуцоланцемент, шлакопортландцемент ва бошқалар)	IV
8.2	Керамик буюмлар ва деворбоп материаллар ишлаб чиқариш корхоналари	қуввати йилига 50 млн. дона шартли ғишт ишлаб чиқариш	III
		қурилиш керамикаси, оловга бардошли буюмлар ишлаб чиқариш	
		сунъий тўлдиргичлар (керамзитлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш	
8.3	Силикат ғиштлар заводи	йиллик қуввати – 100 млн. дона шартли ғишт ишлаб чиқариш	III
8.4	Қурилиш пўлат (металл) конструкциялари заводи	йиллик қуввати – 50 минг тоннадан кўп конструкция ишлаб чиқариш	IV
		кичик цехлар – 500 м <sup>2</sup> гача	II
		цехлар – 500 м <sup>2</sup> дан юқори	III
8.5	Бетон ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари (йиллик қуввати – 100 минг. м <sup>3</sup> конструкция ишлаб чиқариш)	бетон ва бетон буюмлар	III
		йиғма бетон буюмлари	IV
		йиғма темир-бетон буюмлари	
		уй қуриш комбинатлари	
8.6	Асбест ва асбестдан буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари		IV
8.7	Пайвандлаш ашёлари ва материалларни ишлаб чиқариш корхоналари	кальций карбидини ишлаб чиқариш	III
		металл электродларни (марганец қўллаган ҳолда) ишлаб чиқариш	III
8.8	Чинни-фаянс буюмлар ишлаб чиқариш	санитария-техник анжомлари (раковина, унитаз, писсуар ва бошқалар)	III
8.9	Шишадан қурилиш ойналарини ишлаб чиқариш	шу жумладан, тобланган (конструктив) ойна ишлаб чиқариш	III
8.10	Шиша ва тош хомашёсидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари	шишали толалар, минерал пахта, полимер толали арматура, армо-сетка ва бошқалар	III
8.11	Шиша-ойналарга ишлов бериш цехлари	шиша идишлар, тошойналар, шлифовка, гравировка, бадий буюмлар қуйиш ва бошқалар	II
8.12	Асфальт-бетон заводлари	стационар	IV
		битум қурилмалари	IV
8.13	Бўёқлар ишлаб чиқариш корхоналари	шу жумладан, лок-бўёқлар	IV
		эмаль ва конденсат қатронлар	IV
		табiiй минерал бўёқлар	III
		полиграфия бўёқларини	III
8.14	Локларни ишлаб чиқариш корхоналари	ёғли, спиртли, типографиявий, изоляцияловчи, резина ишлаб чиқиш саноати учун ва бошқалар	IV
8.15	Чақиқтош, шағал ва қум ишлаб чиқариш корхонаси	шу жумладан, бойитилган кварц қумини ишлаб чиқариш	III

8.16	Тошга ишлов бериш цехлари	табiiй, шу жумладан, мармар ва гранитга механик ишлов бериш	II
		эгилювчан тошдан пардозбоп материаллар	II
		сунъий тошларни ишлаб чиқариш	III
8.17	Сопол қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналари	сопол қувурлар, кафель плиталар, пардозлаш буюмлари ва бошқалар	III
8.18	Қурилиш полимер материалларини ишлаб чиқариш корхоналари	шу жумладан полимер арматура, иссиқлик ҳимояловчи ашёлар ва бошқалар	III
8.19	Гипс ва бўрдан буюмлар, хом ғишт, шлакоблок, шаклли ва тротуар плиткалар ишлаб чиқариш цехлари	шу жумладан, пардозлаш материаллари – шпаклевкалар ва турли қоринчалар ишлаб чиқиш	II
8.20	Қурилиш учун деталларини ишлаб чиқариш кохонаси		II
8.21	Фибролит, камишит, соломит ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш корхоналари		II
8.22	Цемент ва бошқа чангланувчи қурилиш ашёлари элеваторлари		III
8.23	Мато ва қоғозларни ёғли, ёғ-асфальт, бакелит ва бошқа локлар билан тўйинтириш корхоналари	толь, рубероид ва бошқа изоляция материаллари, шу жумладан, фольгоизоллар ишлаб чиқариш	IV
8.24	Гулқоғозларни ишлаб чиқариш корхонаси	обой қоғозлар	III
8.25	Минерал-қурилиш ашёларини очиқ сақлаш ва тўқиш-юклаш жойлари	қум, шағал, чақиқтош, тош ва бошқалар	II
8.26	Полимер материаллар	текстурали пластик, пенопласт ва шу асосдаги пардозбоп материаллар	III
<b>9. Енгил саноат объектлари</b>			
<b>Ип-газлама ва тўқимачилик саноати</b>			
9.1	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси	қуввати йилига – 3 минг т. йигирилган ип ёки 20,0 млн м <sup>2</sup> мато	IV
9.2	Йигирув-тўқимачилик корхоналари	шу жумладан, фабрикалар, бўйаш ва оқартириш цехлари бўлмаган	IV
9.3	Ип калава фабрикаси	қуввати 40 минг дона ип йигирув веретенли, бўйаш цехлари билан	IV
9.4	Ип-йигирув фабрикаси	қуввати йилига – 100 млн. шартли ўрама (ва ундан ортиқ)	IV
9.5	Тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари		III
9.6	Пахтани қабул қилиш пунктлари		III
9.7	Пахта тозалаш заводи		IV
9.8	Пахтани қайта ишлаш заводи (корхонаси)	қуввати йилига – 20 минг т. пахта хомашёсини қайта ишлаш	IV
9.9	Қайта таралган пахта йигирув фабрикаси	қуввати 50 минг донагача калава	III
		50 минг донадан ортиқ калава	IV
9.10	Пахтадан тайёрланган матоларни пардозлаш фабрикаси	қуввати йилига – 200 млн. м <sup>2</sup> тайёр мато	IV



9.11	Номато тўқима тикув материаллари фабрикаси	йилига – 10 млн. м <sup>2</sup> номато тўқима-тикув материаллари	IV
9.12	Кардли йигирувга ихтисослашган пахта йигириш фабрикаси	50 минггача йигирув камерали	III
		50 мингдан ортиқ камерали	IV
9.13	Матоларга ишлов бериш корхона (цех)лари	оқлаш ва бўяш, кимёвий тўйинтириш, ишлов бериш	IV
9.14	Кўйлак ва кийим матоларини пардозлаш фабрикаси	куввати йилига – 100 млн. м <sup>2</sup> тайёр мато	IV
9.15	Шойи тўқиш фабрикалари		III
9.16	Тикувчилик, трикотаж фабрикалари	кичик цехлар – 500 м <sup>2</sup> гача	II
		цехлар – 500 м <sup>2</sup> дан юқори	III
9.17	Гилам ишлаб чиқариш корхоналари	гилам фабрикалари	III
		гиламларни қўлда тўқиш цехлари	II
9.18	Матога гул босиш корхоналари	кичик цехлар, устахоналар	II
9.19	Фурнитура ишлаб чиқариш	кичик цехлар, устахоналар	II
9.20	Пахта титиш корхоналари	кичик цехлар	II
9.21	Пахта, каноп ва жундан ип ҳамда мато тўқиш корхонаси	бўяш ва оқлаш цехлари бўлмаган	II
		синтетик толалар билан қўшиб, бўяш ва оқлаш цехлари бўлганда	III
9.22	Ғалтак ишлаб чиқариш	кимёвий ва механик ишловларсиз	II
9.23	Арқон, шпагат ва ип ишлаб чиқариш	кичик цехлар, устахоналар	II
<b>Чарм-пойабзал саноати</b>			
9.24	Тери-кўнчилик корхоналари	чармга ишлов бериш, ошлаш, бўяш ва локлаш корхоналари	III
		кичик цехлар ва устахоналар	II
9.25	Полимерхлорид ва бошқа елимларни қўллаган ҳолда	учиб кетувчи органик эриткичларидан фойдаланилмаган ҳолда	III
9.26	Сунъий чарм, плёнкали маҳсулотлар, клеёнкалар, чармларни ишлаб чиқариш корхоналари	учиб кетувчи эриткичларни қўллаган ҳолда	III
9.27	Пойабзал фабрикаси (корхонаси)	куввати йилига – 2 млн. жуфт оёқ кийим ишлаб чиқариш	III
		шу жумладан, кичик цехлар	II
9.28	Пойабзал тагликлари учун ПВХ плёнкалар ишлаб чиқариш корхоналари	бирикма полимерлар, резина ва регенератлардан	III
9.29	Капрон ва шу кабилардан поябзал қуйиш корхоналари		III
9.30	Кичик серияларда поябзал тикиш	тайёр хомашёдан ишлаб чиқариш	II
9.31	Картонли чарм-галантерея маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари	полимерлар билан ишлов беришда органик эритмалардан фойдаланган ҳолда	III
9.32	Сунъий қорақўл ишлаб чиқариш	кичик цехлар, устахоналар	II
9.33	Локланган териларни ишлаб чиқариш корхонаси		III
9.34	Ишлов берилган теридан маҳсулот ишлаб чиқариш	пойабзалдан ташқари	II

9.35	Ишлов берилмаган тери-мўйна ва ҳайвонот маҳсулотларини сақлаш ва тушириш-юкалаш омборлари		II
<b>10. Фармацевтика, тиббиёт ва микробиология саноати объектлари</b>			
10.1	Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари	тайёр доривор воситаларни қадоқлаш бундан мустасно	IV
		витамин ва дори препаратларини ишлаб чиқариш	
		вакцина ва зардоб ишлаб чиқариш	IV
		фармацевтик калий тузларини (хлорланган, олтингугуртли, поташ ва ш.к.) ишлаб чиқариш	
	глицерин ишлаб чиқариш		
		тайёр доривор воситаларни қадоқлаш озика қўшимчалари ва биопрепаратлар ишлаб чиқариш	III
10.2	Тиббиёт ва микробиология саноати объектлари		IV
10.3	Микробиология соҳасидаги илмий-текшириш институтлари ва ташкилотлар		IV
10.4	Тиббиёт учун шиша ишлаб чиқариш корхоналари	симоб ишлатилмаган ҳолда	IV
10.5	Косметика воситаларини ишлаб чиқариш	шу жумладан парфюмерия ва атир-упаларни ишлаб чиқариш	III
<b>11. Матбаачилик объектлари</b>			
11.1	Полиграфия комбинатлари	шу жумладан, офсет чоп этиш фабрикалари	III
11.2	Типографиялар	ишлаб чиқаришда қўрғошин қўлланилганда	IV
		қўрғошин қўлланилмайдиган, офсет ва компьютерда териш	III
11.3	Шрифтларни куйиш корхоналари		III
11.4	Босмаҳоналар	кичик корхоналар	II
11.5	Матбаа хизматлари кўрсатиш	кичик корхоналар	II
<b>12. Озиқ-овқат саноати объектлари</b>			
12.1	Озиқ-овқат комбинатлари, заводлар комплекслари	маҳсулот, ёғ-мой ва биологик қўшимчалар ишлаб чиқариш	IV
12.2	Озиқ-овқат ва таъм берувчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш	крахмал, патока, солод, ачитки (дрожжи) ва бошқалар	II
12.3	Озиқ-овқат маҳсулотларини паст ҳароратда сақлаш омборлари	100 т гача	II
		100 т дан ортиқ	III
12.4	Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, куйиш, тушириш-юклаш жойлари	гўшт-сут, қандолат ва бошқалар	II
		вино, ёғ, шарбат, ичимлик ва бошқалар	II
		куруқ озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш (чай, туз, шакар ва бошқалар)	II
12.5	Ичимликлар ишлаб чиқариш ва қадоқлаш корхоналари	ликёр-ароқ ва коньяк заводлари	III
		вино тайёрлаш ва куйиш цехлари	III
		пиво, квас, морс ишлаб чиқариш	II

		концентратлар асосида ҳамда мева-сабзавотлар шарбатидан алкогольсиз ичимликлар	II
12.6	Қанд-шакар заводи	лавлаги ва бошқа хомашёдан	III
12.7	Кофе хомашёсини қайта ишлаш	шу жумладан, қадоқлаш цехи	II
12.8	Спирт ишлаб чиқариш корхонаси	шу жумладан, гидролиз йўли билан (техник спиртлардан ташқари)	IV
12.9	Элеваторлар	озик-овқат маҳсулотлари учун	III
12.10	Нон заводлари ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари	суткасига – 2500 кг дан ортиқ	III
		макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари	II
		новвойхоналар (200 кг/сут. гача)	I
12.11	Қандолатчилик корхоналари	қандолатчилик заводи	III
		ванилин ва сахарин цехлари	III
		қандолатчилик цехлари	II
12.12	Минерал сувларни қадоқлаш цехи	шиша ва ПЭТ идишларга	III
12.13	Туз ишлаб чиқариш, тузларни йодлаш ва майдалаш корхоналари	шу жумладан, туз учун омборлар ва очик жойлар	II
<b>Б. Қишлоқ ва сув хўжалиги объектлари</b>			
<b>13. Қишлоқ хўжалиги объектлари</b>			
<b>Чорвачилик</b>			
13.1	Қора мол боқиш комплекслари (сиғими 1000 бошдан ортиқ)	шу жумладан, ёш қорамолни ўстириш ва бўрдоқига боқиш комплекслари	IV
13.2	Ёш қорамолни ўстириш ва бўрдоқига боқиш комплекслари (сиғими 100 бошдан 1000 бошгача)	шу жумладан, ғунажинларни етиштириш фермаси	III
13.3	Қора молни бўрдоқига боқиш базалари ва фермалари	сиғими 100 бошгача	II
		сиғими 30 бошгача	I
13.4	Чорва моллари қушхоналари	сменасига 20 бошдан ортиқ	III
		сменасига 20 бошгача	II
13.5	Чорваларини тушириш-юклаш жойлари		II
<b>Паррандачилик</b>			
13.6	Паррандачилик комплекслари	йилига 200 мингдан ортиқ тухум берувчи товуқ боқиш комплекси, 1 млн.дан ортиқ бройлер товуқларни боқиш	IV
		йилига 200 минггача тухум берувчи товуқ боқиш комплекси, 1 млн. бройлер товуқларни боқиш	III
		йилига 50 минггача тухум берувчи товуқ боқиш комплекси, 0,5 млн. бройлер товуқларни боқиш	II
13.7	Тухум ишлаб чиқариш йўналишидаги паррандачилик фабрикаси	йилига 300 минг дон тухум олиш	III
13.8	Гўшт ишлаб чиқариш йўналишидаги паррандачилик фабрикаси	йилига 1 млн. ва ундан ортиқ бройлерлар учун павильон биноси	III

13.9	Паррандалар кушхоналари	сменасига 1000 бошдан ортиқ	III
		сменасига 1000 бошгача	II
<b>Ҳайвонотчилик</b>			
13.10	Ҳайвонотчилик хўжалик (ферма)лари	норка, нутрия, тулки ва бошқалар	III
13.11	Ҳайвонларни сақлаш хўжаликлари	сиғими 100 бошгача	II
13.12	Куёнчилик фермалари		II
13.13	Кушхоналар	сменасига 50 бошгача	III
<b>Чўчқачилик</b>			
13.14	Чўчқачилик комплекси (ферма)лари	йилига 3 мингдан ортиқ чўчқани боқишга мўлжалланган комплекслар	IV
		йилига 3 минггача чўчқани боқишга мўлжалланган фермалар	III
		сиғими 100 тагача чўчқани боқишга мўлжалланган чўчқахоналар	II
13.15	Чўчқа кушхоналари		III
<b>От-йилқичилик</b>			
13.16	От-йилқичилик фермалари	500 бошдан ортиқ от боқишга мўлжалланган фермалар	IV
		қуввати 500 бошгача от боқишга мўлжалланган фермалар	III
		қуввати 50 тагача от боқишга мўлжалланган отхоналар	II
<b>Балиқчилик</b>			
13.17	Балиқчилик хўжаликлари, боқиш ва урчитиб ҳавзалари (қайта ишлашсиз ва гидротехник иншоотларсиз)	майдони 30 га гача бўлган	II
		майдони 30 га дан ортиқ бўлган	III
13.18	Балиқни қайта ишлаш ва консервалаш комбинатлари	дудлаш цехларисиз, чиқиндиларни утилизация қилиш цехлари билан	IV
13.19	Балиқ маҳсулотларини дудлаш цехлари	суткасига 500 кг дан ортиқ	III
		суткасига 500 кг дан ошмаган	II
		балиқни хом дудлаш цехлари	II
13.20	Балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш ва тушириш-юклаш омборлари		II
<b>Пилла-ипакчилик</b>			
13.21	Пиллани бирламчи қайта ишлайдиган – ипак ўраш фабрикаси	қуввати 3600 тутгичлар	III
13.22	Ипак ўраш фабрикаси (корхонаси)	қуввати йилига – 500 т. ипак хомашёсини ишлаб чиқариш (ва ундан ортиқ)	IV
<b>Иссиқхона хўжалиги</b>			
13.23	Иссиқхоналар, оранжереялар ва парниклар, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан ташқари	мураккаб асбоб-ускуналарсиз	I
		янги технологиялар ва асбоб-ускуналарни қўллаган, автоматлаштирилган бошқарув тизимида	II
13.24	Кичик иссиқхоналар ва парниклар	шахсий ёрдамчи хўжалик учун	I

<b>Ун-ёрма маҳсулотлари ва омихта ем ишлаб чиқариш</b>			
13.25	Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ва объектлари	донни қабул қилиш ва тозалаш	III
		дон ва дон маҳсулотларини сақлаш учун силос туридаги механизациялашган омборлар	III
		уруғлик дон саралаш цехлари	III
		миноралар	IV
		элеваторлар	IV
		унни қопда сақлаш омборлари	III
13.26	Ун тортиш корхоналари	тегирмонлар ( заводлар)	III
		кичик тегирмонлар (500 кг/сут.)	II
		унни қопсиз сақлаш силос-бункерлари	III
13.27	Омихта ва озика емларни ишлаб чиқариш корхоналари	донли аралашмалар ва ўсимлик маҳсулотларидан	III
		озик-овқат чиқиндиларидан	III
13.28	Дон маҳсулотларини сақлаш омборлари ва тушириш-юклаш жойлари	донни автотранспортдан нория орқали юклаш ва тушириш	III
		донни темир йўлдан вагонларга нория юклаш ва тушириш	
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш объектлари</b>			
13.29	Мева ва полиз маҳсулотлари ва сабзавотларни сақлаш омбор (совитгич)лари	музлатгич, сиғими 100 т гача	II
		100 т дан ортиқ	III
13.30	Совутгич қурилмалар	музлатгич, сиғими 50 т дан ортиқ	II
13.31	Гўнгларни очик ҳолда сақлаш	шу жумладан, биологик йўл билан қайта	III
13.32	Гўнгларни ёпиқ ҳолда сақлаш жойлари	ишланган суюқ гўнгни сақлаш жойлари	
13.33	Тамаки маҳсулотларини сақлаш ва тушириш-юклаш жойлари		II
13.34	Чангланувчи маҳсулотларни очик сақлаш ва тушириш-юклаш жойи	шрот, кунжара, пичан, сомон ва бошқалар	II
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш объектлари</b>			
13.35	Гўшт саноати объектлари	гўшт комбинатлари сменасига 20 т гўшт қайта ишлаш	III
		сўйиш ва қайта ишлаш	III
		гўштни қайта ишлаш цехлари (суткасига 5000 кг гача)	II
13.36	Колбаса ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари	сменасига 5 т	III
		дудлантирмасдан	II
		дудлаш билан	II
13.37	Сут-ёғ маҳсулотлари корхоналари	сменасига 35 т сутни қайта ишлаш	III
		сутни қайта ишлаш, пишлок, музқаймоқ ишлаб чиқариш цехлари	III
		сутни содда усулда қайта ишлаш	II
		маргарин ишлаб чиқариш цехи	III
13.38	Тамаки маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари	тамаки ферментацияси, тамаки ва сигарет ишлаб чиқариши	III
13.39	Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш	йилига 3 минг т.	I
		йилига 5 минг т.	II

	цехлари (саралаш, ювиш, куритиш, тузлаш, консервалаш, қадоқлаш ва бошқалар)	йилига 10 мингдан юқори	III
13.40	Ўсимликдан ёғ-мойларини ишлаб чиқариш корхоналари	кичик мойжувозлар	II
		рафинацияланмаган	III
		рафинацияланган	IV
<b>Қишлоқ хўжалиги ёрдамчи объектлари</b>			
13.41	Уруғларни қайта ишлаш ва зарарсизлантириш корхоналари		IV
		тракторларни қўллаган ҳолда	III
13.42	Куруқ минерал ўғитлар ва кимёвий ҳимоя воситаларини сақлаш омборлари		III
13.43	Суюлтирилган аммиак ва аммиак сувини сақлаш омбори		IV
13.44	Қишлоқ хўжалиги далаларини пестицидлар билан ишлов бериш бўйича аэродромлар		IV
13.45	Ветеринария шифохоналари ва объектлари	виварийлар, парваришхоналар, кинология марказлари, ҳайвонларни вақтинча сақлаш жойлари билан	III
		ҳайвонлар сақланмаган ҳолда	II
13.46	Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш гаражлари ва парклари	шу жумладан, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	II
13.47	Ёнилғи-мойлаш ашёлари омборлари		III
13.48	Материаллар омборлари		II
13.49	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари	замонавий мини технология ва ихчам ускуналарни қўллаган ҳолда	II
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қолдиқларини қайта ишлаш объектлари</b>			
13.50	Жонзотлар қолдиқларини қайта ишлаш корхоналари (тери, суяк ва бошқалар)	елим ишлаб чиқариш	IV
		техник желатин ишлаб чиқариш	IV
		техник ёғларни ишлаб чиқариш	IV
		қолдиқларини утилизация қилиш	IV
		суякларни қуйдириш ва майдалаш	IV
		ҳайвонлар учун озиқалар ва ўғитлар ишлаб чиқариш	IV
<b>Тери-кўнчилик ва жунни қайта ишлаш объектлари</b>			
13.51	Хом тери-мўйнага ишлов бериш корхонаси	ошлаш, бўяш, тикиш	III
13.52	Қайта ишланмаган териларни сақлаш омбори	хўл ва қуритилган ҳолда	III
13.53	Жунни қайта ишлаш корхоналари	тозалаш, ювиш, титиш, тўқиш ва бошқалар	III
13.54	Соч, тук, момиқ, пар, шох, туёқ ва бошқа хомашёни қайта ишлаш корхоналари		III
13.55	Кигиз ва пиймаларни ишлаб чиқариш корхонаси		III
		кичик цехлар ва устахоналар	II

13.56	Тук ва сочлардан чўткалар ишлаб чиқариш корхоналари		II
13.57	Ичакдан тиббиёт маҳсулот (кетгут)ларини ишлаб чиқариш корхоналари		III
<b>Сув хўжалиги қурилиши, ирригация ва мелиорация объектлари</b>			
13.58	Сув омборлари ва тўғонлар		IV
13.59	Сел сувини тўплаш омборлари		IV
13.60	Дамбалар (каналлардаги, вақтинча сув тўсувчи иншоотлар ва балиқхоналардаги дамбалар)	Дамбаларнинг баландлиги 2 метргача бўлган	II
		Дамбаларнинг баландлиги 2 метрдан 5 м метргача бўлган	III
		Дамбаларнинг баландлиги 5 метр ва ундан юқори бўлган	IV
13.61	Дарё ва сой ўзанларида қазил ишлари		II
13.62	Магистрал каналлар	секундига 10 м <sup>3</sup> дан кам сув ўтказадиган (дамбаларнинг баландлиги 2 метргача бўлган)	II
		секундига 10 м <sup>3</sup> дан ортиқ сув ўтказадиган кўтарма каналларнинг дамбалари баландлиги 5 метр ва ундан юқори бўлган	III
		IV	
13.63	Магистрал коллекторлар	секундига 10 м <sup>3</sup> дан кам сув ўтказадиган	II
		секундига 10 м <sup>3</sup> дан ортиқ сув ўтказадиган	III
		республика аҳамиятига эга, чуқурлиги 10 метрдан чуқур бўлган ва секундига 10 м <sup>3</sup> дан ортиқ сув ўтказадиган	IV
13.64	Суғориладиган ерларни реконструкция қилиш	шу жумладан, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари	II
13.65	Сув ўтказгичлар (ичимлик сувларидан ташқари)	республика, вилоятлараро ва туманлараро аҳамиятига эга бўлган	IV
13.66	Сув хўжалиги қурилиши, мелиорация ва ирригация объектлари	суғориш ва дренаж (қуритиш) тизимлари, мелиорация тизимларидаги гидротехника иншоотлари 10 м <sup>3</sup> дан ортиқ сув ўтказадиган иншоотлар (намунавий лойиҳалардан фойдаланилганда).	III
		мелиорация тизимларида қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишлари, суғориш насос станциялари, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва гидротехника иншоотлари 10 м <sup>3</sup> дан кам сув ўтказадиган иншоотлар (намунавий лойиҳалардан фойдаланилганда).	II
13.67	Суғориш ва сув ажратиш тармоқларида сунбый сув ҳавзаларидаги гидротехник иншоотлар	сув ўлчаш иншоотлари (гидропостлар)	II
		дарёдаги сув ўлчов мосламалари (люлькалар)	III

<b>В. Уй-жой-хўжалик объектлари</b>			
<b>14. Уй-жой объектлари</b>			
14.1	Коттежлар, шу жумладан, якка тартибда қуриладиган уй-жойлар	2 қаватгача (2-қавати ҳам)	I
		2 қаватдан юқори	II
14.2	Данғиллама уйлар, виллалар, террасали уй-жойлар ва бошқалар	шу жумладан, шинамлик даражаси юқори бўлган, архитектура қиёфасига алоҳида талаблар қўйилган	III
14.3	Кам қаватли уй-жойлар, ётоқхоналар	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
14.4	Ўрта қаватли уй-жойлар, ётоқхоналар	4 дан – 12 қаватгача	III
14.5	Кўп қаватли уй-жойлар, ётоқхоналар	12 қаватдан юқори	IV
14.6	Уйларнинг ёнидаги хўжалик ва ёрдамчи иморатлар		I
14.7	Турар жой комплекслари бош режалари	архитектура-режалаштириш ечимлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоат ва ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик тармоқларини ташкил этиш ечимлари билан	IV
14.8	Кам қаватли уй-жойлар мавзелари ва даҳалар бош режалари		III
14.9	Якка тартибдаги уй-жойлар даҳалари бош режалари		II
14.10	Дала ҳовлилар, уй-боғчалар (2 қаватгача), вақтинча уй-жойлар		I
14.11	Жамоа чорвоқлари бош режалари		II
<b>15. Таълим муассасалари</b>			
15.1	Мактабгача таълим муассасалари	500 ўрингача (мослаштирилган)	II
		500 – 1000 ўрин	III
		1000 ўридан ортиқ	IV
15.2	Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, шу жумладан, қўшимча ўқув блоклари	500 ўрингача	II
		1000 ўқувчи ўрингача	III
		1000 ўқувчи ўридан ортиқ	IV
		қўшимча ўқув блоклари	II
15.3	Лицейлар, касб-ҳунар таълими муассасалари	1000 ўқувчи ўрингача	III
		1000 ўқувчи ўридан ортиқ	IV
15.4	Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, шу жумладан, қўшимча ўқув блоклари, мактабгача таълим, лицейлар, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари, меҳрибонлик (болалар) уйлари (шу жумладан, чақалоқлар уйлари), нодавлат ўқув марказлари	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
		4 дан – 12 қаватгача	III
		12 қаватдан юқори	IV



<b>16. Соғлиқни сақлаш объектлари</b>			
16.1	Поликлиникалар, амбулаториялар, врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар (болалар ва катталар учун)	100 ташрифгача	II
		200 – 300 ташриф	III
		300 ташрифдан ортиқ	IV
16.2	Касалхоналар (болалар ва катталар учун), шу жумладан, кундузги стационарлар	300 ўрингача	II
		300 ўриндан ортиқ	III
16.3	Ихтисослашган шифохоналар, диспансерлар (болалар ва катталар учун)	кардиология, онкология, урология, туғруқхона, юқумли касалликлар шифохоналари ва бошқалар	III
16.4	Тиббиёт бирлашмалари ва кўп тармоқли шифохоналар, клиникалар	стандарт асбоб-ускуна ва ёритиш (такрорий қўллаш)	III
		ноёб асбоб-ускуна, ёритиш ва янги технологиялар билан	III
		олий таълим муассасалари қошида	III
16.5	Маслаҳат берувчи, ташхис, стоматология, массаж, косметика, пластика ва бошқа тиббиёт муассасалари	стационар ўринларисиз	II
		стационар ўринлари бўлган	III
16.6	Шифохоналар учун алоҳида блоклар	умумий даволаш бўлимлари	II
		хирургия ва реанимация бўлимлари	III
		юқумли касалликлар бўлими	IV
		алоҳида қабул қилиш, ташхис қўйиш, маслаҳат хоналари	III
16.7	Шифохоналарнинг хўжалик ва ёрдамчи блоклари	хўжалик блоклари, омборхоналар	II
		умумий ошхоналар, морглар	III
		ташхис лабораториялари	III
16.8	Касалхона қошидаги дорихоналар ва чакана савдо дорихоналари	препаратлар тайёрланадиган	III
		препаратлар тайёрланмайдиган	II
16.9	Тез тиббий ёрдам кўрсатиш станциялари		III
		тез ёрдам кўрсатиш подстанциялари	II
16.10	Санитария-эпидемиология, вирусология марказлари (станциялари)	вилоят марказлари маъмурий бинолари, лабораториясиз	III
		туман (шаҳар) марказлари маъмурий бинолари, лабораториясиз	II
		алоҳида лабораториялар	III
16.11	Санитар-карантин марказлари	зона, пункт, шифохона ва бошқалар	IV
<b>17. Савдо объектлари</b>			
17.1	Вақтинча павильонлар, киоскалар, айвонлар ва ш.к.	стационар ва тез йиғилиб йиғиштириладиганлари	I
17.2	Озиқ-овқат дўконлари, саноат моллари дўконлари, савдо уйлари, йирик универсал ихтисослашган дўконлар мажмуаси, гипермаркет, супермаркетлар, савдо-кўнгилочар мажмуалари	500 м <sup>2</sup> савдо майдонигача	I
		500 – 1000 м <sup>2</sup> савдо майдони	II
		1000 – 5000 м <sup>2</sup> савдо майдони	III
		5000 м <sup>2</sup> савдо майдонидан ортиқ	IV

17.3	Очиқ бозорлар (шу жумладан, саноат моллари бозорлари)	100 савдо ўрингача	I
		100 - 300 савдо ўрни	II
		300 савдо ўрнидан ортиқ	III
17.4	Мол бозорлари		II
<b>18. Умумий овқатланиш муассасалари</b>			
18.1	Ресторанлар (шу жумладан, тўйхоналар), кафелар, тамаддихоналар, ошхона, чойхона ва бошқалар (шу жумладан, ёзги)	300 ўрингача	II
		300 – 1000 ўрин	III
		1000 ўриндан ортиқ	IV
<b>19. Майиш хизмат кўрсатиш объектлари</b>			
19.1	Кир ювиш ва кимёвий тозалаш корхоналари	Кир ювиш шохобчалари	II
		Кимёвий тозалаш шохобчалари	II
		Кир ювиш-кимёвий тозалаш мажмуалари	III
19.2	Ҳаммомлар, сауна, сузиш ҳавзаси ва дам олиш хонаси билан, СПА-салонлар	100 та жойгача	II
		100 та жойдан ортиқ (мажмуалар)	III
		ҳаммом-кир ювиш комбинатлари	III
19.4	Суратхоналар, фотосалонлар, фотостудиялар		I
19.5	Сартарошхоналар	5 иш жойгача	I
		5 иш жойидан ортиқ	II
19.6	Майиш хизмат кўрсатиш корхоналари	шу жумладан, барча ихтисослашган майиш хизмат кўрсатиш пунктлари, ижарага бериш пунктлари (техник хизмат кўрсатиш станцияларидан ташқари)	III
<b>20. Илмий-тадқиқот муассасалари</b>			
20.1	Лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари, академик илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
		4 дан – 12 қаватгача	III
		12 қаватдан юқори	IV
<b>21. Жисмоний тарбия ва спорт объектлари</b>			
21.1	Ёпиқ спорт корпуслари, спорт заллари (бир залли)		II
21.2	Кўп залли спорт корпуслари	икки залли	III
		уч залли	IV
21.3	Очиқ сузиш ҳавзаси	сув сатҳи майд. 300 м <sup>2</sup> гача	II
		сув сатҳи майд, 1250 м <sup>2</sup> гача	III
21.4	Ёпиқ, ваннали сузиш ҳавзалари	сув сатҳи майд. 220 м <sup>2</sup> гача	II
		сув сатҳи майд. 300 м <sup>2</sup> гача	III
		сув сатҳи майд, 1250 м <sup>2</sup> гача	IV
21.5	Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш комплекслари (шу жумладан, машқ заллари, фитнес марказлар)	зал майдони 400 м <sup>2</sup> гача	II
		зал майдони 400 м <sup>2</sup> дан ортиқ	III
21.6	Ёпиқ спорт майдонлари	3,5 минг. м <sup>2</sup> (катоклар) (минбарсиз)	III
		7,3 минг. м <sup>2</sup> (катоклар) (минбар ва минбарости хоналар билан)	IV

21.7	Стадионлар (шу жумладан, усти ёпик)	3000 ўрингача (минбарсиз ва минбарлар билан)	II
		10000 ўрингача ( минбар ва минбарости хоналар билан)	III
		10000 ўриндан ортиқ (минбар ва минбарости хоналар билан)	IV
21.8	Очиқ спорт майдонлари ва ўйингоҳлар	қўшимча бино ва иншоотларсиз (шу жумладан мини-футбол майдончалари)	I
		мавсумий (иситилмайдиган) қўшимча бинолари билан	I
		минбарлар билан (минбарости хоналарисиз)	II
21.9	Минбарлар, минбарости хоналар билан		III
21.10	Теннис кортлари ва бошқа спорт турлари бўйича майдончалар	қопламаларсиз	II
		табiiй ёки сунъий қопламали	III
<b>22. Томоша муассасалари</b>			
22.1	Кино ва видеофильмларни намоиш этадиган павильонлар	усти очиқ ва вақтинча павильнолар ҳамда майдончалар, ёзги конотеатрлар	I
22.2	Ёзги эстрада, сахналар ва рақсга тушиш майдончалари	усти очиқ ва соябонли	I
22.3	Кинотеатрлар, киноконцерт заллари, театрлар, цирклар, амфитеатр (шу жумладан, очиқлари)	300 ўрингача	II
		300 ўриндан юқори	III
22.6	Музейлар, гелереялар ва кўргазма заллари	қурилиш ҳажми 30 минг м <sup>3</sup> гача	II
		30 минг м <sup>3</sup> дан ортиқ	III
<b>23. Меҳмонхоналар, дам олиш масканлари ва туризм муассасалари</b>			
23.1	Меҳмонхоналар	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
		4 дан – 12 қаватгача	III
		12 қаватдан юқори	IV
23.2	Туристик	турбазалар, палаткали оромгоҳлар, туристик бошпаналар, тўхташ жойлари, чанғи базалари (капитал қурилмаларсиз)	I
23.3	Йулбўйи оромгоҳлари	кемпинг, мотель, турбаза, ёзги оромгоҳлар, дам олиш базалари ва альпинистлар дам олиш бошпаналари	II
23.4	Пансионатлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, санаторийлар	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
		4 дан – 12 қаватгача	III
		12 қаватдан юқори	IV
<b>24. Маданий-маърифий муассасалар</b>			
24.1	Ўйинлар ва рақсга тушиш учун вақтинча павильонлар	мукамал қурилмаларсиз	I
24.2	Маданият боғларида китобхонлик ва кўргазмалар учун павильонлар	мукамал қурилмаларсиз	I
24.3	Қишлоқ клублари, кўргазма заллари		II
24.4	Маданият уйлари, кутубхоналар	мутолаа заллари билан ва уларсиз	II
24.5	Кутубхоналар (китоб сақлаш жойлари билан)	100 минг томгача	II
		500 минг томгача	III

		500 минг томдан ортиқ	IV
24.6	Диний муассасалар ва ибодатхоналар (масжидлар, черковлар, синагоглар ва бошқалар)	ибодат қилувчилар сони – 50 гача	II
		ибодат қилувчилар – 500 гача	III
		ибодат қилувчилар – 500 нафардан ортиқ	IV
24.7	Давлат архивлари бинолари	1 млн.сақлов бирлигигача	III
		1 млн.сақлов бирлигидан ортиқ	IV
<b>25. Маъмурий ва жамоат бинолари</b>			
25.1	Давлат бошқаруви органлари, идора, корхона ва ташкилотларнинг маъмурий бинолари, офислар (алоҳида бинода)	3 қаватгача (3-қавати ҳам)	II
		4 дан – 12 қаватгача	III
		12 қаватдан юқори	IV
25.2	Ижтимоий-сиёсий фаолият марказлари бинолари, бизнес-комплекслар (марказлар), кўп функцияли ижтимоий комплекслар	бир вақтнинг ўзида сиғими 600 кишигача	III
		бир вақтнинг ўзида сиғими 600 кишидан ортиқ	IV
<b>26. Молиявий – юридик муассасалар</b>			
26.1	Туман молиявий ва суғурта муассасалари (умумий бинода)	20 иш ўрнигача	II
26.2	Банк биносидан ташқарида жойлашган амалиёт кассалари, банк хизматлари офислари	пул омбори мавжуд бўлмаган	II
26.3	Банкларнинг маъмурий бинолари, уларнинг филиаллари, банк хизмати офислари	пул омбори мавжуд бўлган	III
26.4	Биржалар, банкларнинг бўлимлари, ҳисоблаш марказлари		III
26.5	Юридик маслаҳатлар, адвокатуралар, нотариал идоралар	20 иш ўрнигача (алоҳида биноларда жолашганда)	II
26.6	Транспорт агентликлари	шу жумладан, авиакассалар, олдиндан сотиш кассалари	III
<b>27. Мудофаа объектлари</b>			
27.1	Вилоят, туман, шаҳар мудофаа-чақирув комиссариатлари	Чақирув пунктлари билан	III
27.2	Жанговар самолёт ва вертолётларни жойлаштириш учун ангарлар		IV
27.3	Ўқ-дори, курол-аслаҳа ва портловчи моддаларни, ёқилғимойлаш маҳсулотлари омборлари	шу жумладан, оптик воситалар ва ҳарбий-техник мулкларни сақлаш омборлари	IV
27.4	Жанговар техника ва машиналар сақлаш бокслари ва иншоотлари		III
27.5	Аскарлар казармалари	500 ўрингача	III
		500 ўриндан юқори	IV
27.6	Ҳарбий қисмларнинг маъмурий бинолари	батальонлар учун	II
		полклар учун	III

<b>28. Фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимоя қилиш иншоотлари</b>			
28.1	Ер остидаги ихтисослашган жойлар, шу жумладан, радиацияга қарши пана жойлар	муҳандислик ускуналарининг автоном тизимларисиз	III
		муҳандислик ускуналарининг автоном тизимлари билан	IV
28.2	Бошпаналар, умумий бинода	бекинувчилар сони 100 – 1000 гача	III
		1001 – 2000 ва ундан ортиқ	IV
28.3	Ёнғин-қутқарув депоси	постлар сони – 6 та	IV
		постлар сони – 2 та	III
<b>29. Жамоат тартибини сақлаш муассасалари</b>			
29.1	Вилоят ички ишлар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, йўл-патруль хизмати (ЙПХ) бўлимлари	алоҳида маъмурий бинода	III
29.2	Милиция-тартибот постлари, ЙПХ постлари ва бошқалар		II
29.3	Суд ва прокуратура бинолари	30 иш ўрингача	
		30 иш ўриндан ортиқ	III
29.4	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус объектлари	тергов изоляторлари	III
		ахлоқ тузатиш-меҳнат колониялари	IV
<b>30. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектлари (қурилиш лойиҳаларига кирмаган муस्ताқил объектлар)</b>			
30.1	Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	майдони 5 га гача	I
		майдони 20 га гача	II
		коммунал ва саноат ҳудудлари, дала ҳовли, завод ҳудудлари	I
		шаҳар ва шаҳарчаларда	II
		қишлоқ аҳоли пунктларида	I
30.2	Аҳоли пунктларининг рекреация объектлари	шаҳарсозлик ва ландшафт комплекслари	III
		парклар, маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлар (аттракционларсиз)	I
30.3	Тематик боғлар	кўнгилочар боғлари (аттракционли), очик муз ва қорда учадиган майдонлар	II
		ҳайвонот, ботаника боғлари ва бошқалар	IV
30.4	Шамол ва шовқиндан ҳимоя қилувчи полосалар (ихоталар)	асбоб-ускуналарсиз ва техник жиҳозланмаган велосипед, пиёдалар йўлкалари (терренкурлар), спорт майдончалари билан	I
30.5	Болалар ўйингоҳлари ва майдончалари		I
30.6	Қирғоқбўйи сайилгоҳлари		II
30.7	Очиқ сув ҳавзалари	шу жумладан, аквапарклар	III
<b>Г. Муҳандислик-транспорт инфратузилмалари ва коммунал соҳа объектлари</b>			
<b>31. Муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари</b>			
<b>Сув таъминоти ва канализация</b>			
31.1	Сув олиш комплекслари ва иншоотлари	ер ости манбаларидан ҳамда юза манбалардан – дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар ва бошқалар	IV
31.2	Сувни хлорлаш иншоотлари		III

31.3	Сув узатиш тармоқлари (иншоотларсиз)	кувур, диаметри 700 мм гача	II
		кувур, диаметри 1500 мм гача	III
		кувур, диаметри 1500 мм дан катта	IV
31.4	Босимсиз оқова сув тармоқлари (канализация, иншоотларсиз)	кувур, диаметри 300 мм гача	II
		кувур, диаметри 600 мм гача	III
		кувур, диаметри 600 мм дан юқори	IV
		кувурни ётқизиш чуқурлиги 2 м дан ортиқ булганда (кувур диаметридан қатъи назар)	IV
31.5	Босимли оқова сувлар тармоқлари (канализация, иншоотларсиз)	кувур диаметридан қатъи назар	III
31.6	Насос станциялари (сув, канализация)	тармоқлар тоифаларига кўра	III
31.7	Насос станциялари ва аварияда бошқариш резервуарлари	иш унуми 5 – 50 м <sup>3</sup>	III
		иш унуми 50 – 200 м <sup>3</sup>	IV
31.8	Оқова сувларни тозалаш иншоотлари	суткалик иш унуми 50 минг м <sup>3</sup> дан кам бўлган	II
		50 мингдан 280 минг м <sup>3</sup> гача бўлган	III
		280 минг м <sup>3</sup> дан ортиқ бўлган	IV
31.9	Табиий сувларни ва ер усти оқова (атмосфера) сувларини тозалаш иншоотлари	иш унумидан қатъи назар	III
31.10	Маиший ва ишлаб чиқаришдан чиққан оқова сувларни тозалаш иншоотлари	иш унумидан қатъи назар	IV
31.11	Асенизация, аэрация, фильтрация ва суғориш далалари	камида 300 га	II
31.12	Оқоваларни тўкиш станциялари		II
31.13	Лойқаларни тозалаш майдончалари бўлган, оқова сувларни механик ва биологик услубда тозалаш иншоотлари	иш унуми 200 м <sup>3</sup> гача	III
		иш унуми 200 м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
31.14	Лойқа ва чўкиндиларга термик ишлов бериш усулида оқова сувларни механик ва биологик услубда тозалаш иншоотлари	иш унуми 200 м <sup>3</sup> гача	III
		иш унуми 200 м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
31.15	Биологик ҳовузлар	иш унуми 200 м <sup>3</sup> гача	III
		иш унуми 200 м <sup>3</sup> дан ортиқ	IV
<b>Газ таъминоти хўжалиги</b>			
31.16	Газ тармоқлари:	паст босимли – 0,005 МПа (0,05 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	I
		ўрта босимли – 0,3 МПа (3,0 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	II
		юқори босимли – 0,3 МПа (3,0 кгс/см <sup>2</sup> ) дан юқори	III
31.17	Суюлтирилган углеводород газларни сақлаш иншоотлари	шу жумладан, газ тўлдириш станциялари, газ тўлдириш пунктлари, автоном газ таъминот тизимлари	IV
31.18	Газ хўжалиги иншоотлари	газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи объектлар	IV
31.19	Магистрал газ қувурлари	юқори босимли	IV

31.20	Одоранлаштириш ускуналари билан жиҳозланган газ тақсимлаш станциялари	ҳажми 50 – 250 м <sup>3</sup> бўлган	III
		ҳажми 250 – 1000 м <sup>3</sup> бўлган	IV
<b>Электр энергияси таъминоти</b>			
31.21	Электр тармоқлари	очиқ симли ҳаво тармоқлари	II
		ҳаво кабеллари	III
		ер ости, кучланиши 10 кв. гача	III
		ер ости, кучланиши 10 кв. дан юқори	IV
31.22	Трансформатор подстанциялари (ТП) ва тақсимловчи пунктлар	кучланиши 10 кв. гача	III
		кучланиши 10 кв. дан юқори	IV
31.23	Ташқи ёритгичлар тармоқлари	йўлларда, проездларда, кўчаларда, майдонларда, очиқ ҳудудларда	II
<b>Алоқа объектлари</b>			
31.24	Автоматлаштирилган телефон станциялари (АТСлар) ва уларнинг инфратузилмаси	алоқа боғламалари	II
		туман (шаҳар)ларнинг АТСлари	II
		радио ва уяли алоқа станциялари	II
		радио ва уяли алоқа мачталари ва антеналари	II
31.25	Алоқа бўлимлари, почта, телеграф ва алоқа корхоналарига тегишли бошқа (маъмурий ва хўжалик) объектлар	50 иш ўрингача	II
		100 иш ўрнигача ва ундан ортиқ	III
31.26	Алоқа тармоқлари, (тармоқдаги тақсимлаш шкафлари билан)	ҳаводан ўтган тармоқлари	II
		шаҳар ерости алоқа кабеллари (шу жумладан, оптик толали кабеллар)	II
		шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқлари (шу жумладан, кабеллар ва оптик толали кабеллар)	II
31.27	Телевидение, радио ва интернет тармоқлари	Ҳаводан ва кабель билан ўтказиш	II
<b>Иссиқлик таъминоти</b>			
31.28	Туман иссиқлик станциялари	қуввати соатига 200 Гкал гача	III
		қуввати соатига 200 Гкал дан юқори	IV
31.29	Иситиш қозонхоналари	қуввати соатига 10 Гкал гача	II
		қуввати соатига 50 Гкал гача	III
		қуввати соатига 50 Гкал дан юқори	IV
31.30	Марказий иссиқлик пунктлари	қуввати соатига 5 Гкал	II
		қуввати соатига 10 Гкал	III
		қуввати соатига 10 Гкал дан ортиқ	IV
31.31	Иссиқлик тармоқлари:	қувур диаметри 200 мм гача	II
		қувур диаметри 500 мм гача	III
		қувур диаметри 500 мм дан катта	IV
<b>Муҳандислик тармоқларининг бошқа объектлари</b>			
31.32	Муҳандислик тармоқлари (ҳимояловчи) тоннеллари ва каналлари, ер ости коллекторлар	кўндаланг қирқими 10 м <sup>2</sup> гача	III
		кўндаланг қирқими 10 м <sup>2</sup> дан катта	IV
		диаметри 2,6 м гача	III
		диаметри 2,6 м дан юқори	IV

		махсус усуллар, якка тартибдаги конструкциялар, ёпик ўтиш жойлари қўлланган, метрополитен ёки темир йўллар кесиб ўтилган, коммуникациялар аралаш ўтказилган, мураккаб гидрогеологик шароитларда лойиҳалаштириш ва қуриш	IV
31.33	Ерости муҳандислик тармоқларини коррозиядан электр-кимё ҳимояси	катод ҳимоя станциялари ва бошқалар	III
<b>32. Аҳоли пунктлари ички йўллари объектлари</b>			
32.1	Аҳоли пунктлари ички йўллари	мураккаблик даражаси I тоифали	II
		мураккаблик даражаси II тоифали	III
		мураккаблик даражаси III тоифали	IV
32.2	Грамавай йўллари ва иншоотлари		IV
32.3	Транспорт тоннеллари		IV
32.4	Пиёдаларни ер усти ва ер ости ўтиш йўли	тонеллар ва кўприклар	III
32.5	Пиёдалар ва велосипед йўлакчалари		II
<b>33. Транспорт объектлари</b>			
<b>Ҳаво транспорти инфратузилмаси</b>			
33.1	Ҳаво транспорти йўловчилари бинолари	аэровокзал бинолари	III
		аэропорт бинолари	III
33.2	Аэропортлар	категорияси (класси)дан қатъи назар	IV
33.3	Аэродромлар	маҳаллий аҳамиятга молик қаттиқ қопламали ва қопламасиз (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги авиацияси учун)	III
33.4	Вертодромлар	қурилмаларсиз (шу жумладан, алоҳида майдончалар)	III
33.5	Самолётлар учун ангарлар	Ораликдан (энидан) қатъи назар	IV
33.6	Аэропортлар инфратузилма объектлари	инфратузилма (хўжалик) объектлари (мақсадларига кўра)	III
<b>Темир йўл транспорти инфратузилмаси</b>			
33.7	Темир йўллар ва инфратузилмаси объектлари	умумий тармоқ темир йўллари (шу жумладан, тез ҳаракатланувчи таркиб учун)	IV
		идоравий аҳамиятга эга бўлган темир йўллар	III
		тоғ-кон саноати темир йўллари	III
		темир йўл инфратузилмаси (хўжалик ва хизмат кўрсатиш) объектлари (мақсадларига кўра)	III
33.8	Темир йўл йўловчилари вокзаллари ва перронлар	очиқ перронлар (соябонларсиз ва соябонлар билан)	II
		суткасига йўловчилар сони 1000 нафаргача	III
		суткасига йўловчилар сони 1000 нафардан ортиқ	IV
33.9	Темир йўл кўприклари, эстакадалари ва тоннеллари	барча турдаги	IV



33.10	Темир йўл станциялари ва разъездлар	тоифасидан қатъи назар	III
33.11	Темир йўл юк станциялари	темир йўллар мавжуд бўлган барча корхоналардаги темир йўл транспорти билан юкларни ташиш-ортиш, қуйиш-тўкиш ва сақлаш жойлари	III
33.12	Метрополитен транспорти инфратузилмаси объектлари	умумий тармоқ темир йўллари, тоннеллар ва эстакадалар, бекатлар, хизмат кўрсатиш объектлари ва муҳандислик таъминоти тизимлари	III
33.13	Юк ташувчи рефрижераторларни тушириш-юклаш жойлари		II
33.14	Қорамол ташилган вагонларни тозалаш-ювиш станциялари ва пунктлари	дезинфекциялаш ишлари билан	III
33.15	Цистерна ва бошқа идишларни тозалаш-ювиш, дезинфекциялаш станциялари		III
33.16	Антисептиклар билан тўйинтирилган шпалларни сақлаш ва юклаш жойлари		II
<b>Автомобиль транспорти инфратузилмаси</b>			
33.17	Автомобиль йўллари ва инфратузилмаси объектлари	автомобиль йўлларига хизмат кўрсатиш корхоналари	III
33.18	Автомагистраллар ва автомобиль йўллари қурилиши, реконструкцияси ва таъмирлаш	Ia, Ib – III тоифали автомобиль йўллари	IV
		IV – V тоифали автомобиль йўллари	III
		V тоифали автомобиль йўллари	II
		шаҳарлар кўчалари	III
33.19	Умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларидаги кўприклар	кўтариш қобилияти ғилдирак ўқига 5 т юкгача	III
		кўтариш қобилияти ғилдирак ўқига 5 т юкдан юқори	IV
33.20	2 ва ундан ортиқ қаватли йўл ўтказгичлар ва транспорт ечимлари	чорраҳалар, эстакадалар, тоннеллар	IV
33.21	Автомобиль транспорти юк терминаллари	шу жумладан, логистика марказлари ва божхона терминаллари	IV
33.22	Автобус саройлари	сиғими 300 бирликгача	III
		сиғими 300 бирликдан ортиқ	IV
33.23	Автотранспорт корхоналари – таксомотор ва автопарклар, трамвай ва троллейбус деполари, қурилиш ва йўл қурилиши ташкилотларининг механизациялаштирилган корхоналари	бино-иншоотларсиз (бино-иншоотлар тоифаси уларнинг мақсадларига қараб белгиланади)	II
		автобус, троллейбус, трамвай, метро вагонларини таъмирлаш базалари	III
33.24	Йўловчи транспортлари учун ишлаб чиқариш цехлари	1000 м <sup>2</sup> гача	III
		1000 м <sup>2</sup> дан ортиқ	IV

33.25	Автобус вокзаллари	кунига 1000 тагача йўловчи	II
		кунига 1000 тадан ортиқ йўловчи	III
33.26	Йўловчи транспорти ҳайдовчиларига хизмат кўрсатиш шохобчалари	1000 м <sup>2</sup> гача	III
33.27	Йўловчи транспортлари учун охириги шохбекатлар	диспетчерлик хизматлари билан	III
33.28	Транспорт терминал (хабб)лари	2 та ўтишдан ортиқ	III
33.29	Диспетчерлик пунктлари	автоматлаштирилган тизималар орқали бошқариш	III
33.30	Йўловчи транспортларининг тўхташ жой (бекат)ларини жиҳозлаш	павильонлар, таблолар ва бошқалар	I
33.31	Гаражлар ва автомобиллар турар жойлари	очиқ (қисқа муддатли ва кеча-кундуз ишлайдиган)	I
		1 – 2 қаватли (ер устида)	II
		2 – 5 қаватли (ер устида)	III
		қаватлар сонидан қатъи назар (ер ости ва ер устида)	IV
33.32	Автокорхона ва ташкилотларнинг нефть омборлари		III
33.33	Автомобилга ёқилғи ва газ қуйиш станциялари	дизель, бензин	III
		метан, пропан, бутан ва бошқа газлар	IV
33.34	Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станциялари	2 постгача (майда хизмат кўрсатиш, электрик, вулканизация ва бошқалар)	I
		2 – 5 постга (двигатель ва машиналарни таъмирлаш )	II
		5 постдан ортиқ (двигатель ва машиналарни таъмирлаш, уларни бўйлаш)	III
		автокорхоналарнинг устахоналари	III
		автомобилларни ювиш жойлари	III
		портал типигаги юк автомобилларини ювиш жойлари	III
33.35	Электромобилларни зарядлаш станциялари	шу жумладан, электрокарларни зарядлаш цехлари	II
<b>Дарё транспорти</b>			
33.36	Портлар ва пристаньлар	кемалар сонидан қатъи назар	III
33.37	Тушириш-юклаш майдончалари	очиқ ва ёпиқ майдончалар	II
33.38	Ўзйорар ва ўзйормас кемалар учун слиплар	кемалар сифимидан қатъи назар	III
33.39	Кемаларга нефть маҳсулотлари қуйиш станциялари	бензин, керосин, дизель ёқилғиси	III
33.40	Дарё транспорти учун бошқа иншоотлар	зараркунандалардан тозалаш станциялари, кемаларни тозалаш станциялари ва бошқалар)	III
33.41	Сув йўллари техник корхоналари	Дарё ўзанларини ростлаш, чуқурлаштириш ва тозалаш корхоналари	III
<b>34. Чиқиндихоналар, қабристонлар, омборхоналар</b>			
<b>Чиқиндихоналар</b>			

34.1	Маиший чиқинди тўплаш майдончаси		I
34.2	Утилизация қилинадиган ашёларни жамлаш марказий базаси	қурилмаларсиз (қурилмалар мақсадлари тоифаларига кўра белгиланади)	II
34.3	Утилизация қилинадиган ашёларни вақтинча сақлаб туриш омбори	қайта ишловсиз	II
34.4	Аҳоли пунктларини тозалаш учун транспорт парклари	механизациялашган	III
34.5	Аҳоли пунктлари (туман, шаҳар) эҳтиёжлари учун қаттиқ ва маиший чиқинди полигонлари (чиқиндихоналар)	аҳолиси 100 минг кишидан кам	II
		аҳолиси 200 минг кишидан кам	III
		аҳолиси 200 минг кишидан ортиқ	IV
34.6	Чиқиндиларни қайта ишлаш ва саралаш корхоналари (хавфлилик даражасига кўра)	IV ва V синфга мансуб	II
		III синфга мансуб	III
		I ва II синфга мансуб	IV
34.7	Заҳарли чиқиндихоналар ва уларни рекультивация қилиш	чиқинди, шламни (кўмир кукуни) тўплаш ёки кўмиш жойлари	IV
34.8	Заҳарли моддалар чиқиндиларини зарарсизлантириш ва кўмиш жойлари	радиоактив моддалардан ташқари	IV
34.9	Органик ва чирувчи маҳсулотлар учун чиқиндихоналар	такомиллаштирилмаган	III
34.10	Ишлаб чиқаришдан чиққан қаттиқ чиқинди учун чиқиндихоналар	такомиллаштирилган	IV
34.11	Ахлатларни компостлаш участкалари	қаттиқ маиший чиқиндалар учун	IV
		гўнг ва фекал чиқиндиларсиз	III
34.12	Ахлатни қайта юклаш станциялари		III
34.13	Ахлатни ёқиш ва қайта ишлаш заводлари	қуввати йилига 40 минг т дан ортиқ	IV
		қуввати йилига 40 минг т гача	III
34.14	Биологик камерали ўлакса кўмиш жойлари		III
34.15	Ўлаксаларни утилизация қилиш заводи		III
<b>Қабристонлар</b>			
34.16	Мемориал комплекслар, колумбарийлар	майдони 2 гача	III
34.17	Анъанавий ва аралаш кўмиладиган қабристонлар	майдони 20 га гача	IV
34.18	Қабристонлар	майдони 10 – 20 га	III
34.19	Қишлоқ қабристонлари	майдони 2 гача	II
34.20	Крематорийлар		IV
34.21	Тайёргарлик кўриш ва маросимлар ўтказиш жойлари		III
<b>Омборхоналар</b>			
34.22	Омборхона базалари	1 минг.т маҳсулот	I
		5 минг.т маҳсулот	II

		10 минг.т маҳсулот	III
		20 минг.т ва ундан ортиқ	IV
34.23	Ноозик-овқат маҳсулотлари омбори	омбор майдони 3 минг м <sup>2</sup> гача	I
		5 минг м <sup>2</sup> гача	II
		10 минг м <sup>2</sup> гача	III
		15 минг м <sup>2</sup> гача ваа ундан ортиқ	IV
34.24	Озик-овқат маҳсулотлари омбори	2 минг тонна сақлаш	II
		4 минг тонна сақлаш	III
		6 минг тонна сақлаш	IV
34.25	Омбор комплекслари	муҳандислик асбоб-ускуналарисиз, соддалаштирилган омборлар	III
		муҳандислик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган омборлар	IV
34.26	Қурилиш-пудрат ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базалари	маъмурий биносиз, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган	III
		маъмурий биносиз, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган	II
34.27	Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш омборхоналари		III
<b>35. Махсус объектлар ва иш турлари</b>			
35.1	Тупроқ ва заминларни мустақкамлаш ишлари	кимёвий, музлатиш, инъекциялаш, бургулаш ва бошқа услубда	III
35.2	Қуришда сув сатҳини пасайтириш ва дренаж тизимларини қуриш	шу жумладан, аҳоли пунктлари ҳудудларида	III
35.3	Корхоналар ва комплексларда газ тозалаш ва чангни тутиб қолувчи иншоотлар қуриш	мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган корхоналарда	III
35.4	Портловчи моддалар ва воситалар билан ишлаш объектлари	компонентларни сақлаш омборлари, тушириш-юклаш жойлари, синаш полигонлари ва лабораториялар	IV
35.5	Портлаш-ёниш хавфи бўлган ишлаб чиқаришлар ҳамда зарарли ва заҳарли моддалар ишлатувчи ва сақловчи объектлар	шунингдек, портлашга хавфи мавжуд чангсимон ва газсимон аралашмалар ҳосил бўладиган объектлар	IV

”.

д) 3-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
(худуд номи) СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Курилиш меъёрлари ва қоидалари талабларининг бажарилишида  
аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича  
\_\_\_\_\_ -сон ЁЗМА КЎРСАТМА

Кимга \_\_\_\_\_  
(ташкилот номи ва раҳбарининг Ф.И.О.)

Курилиш объектнинг номи \_\_\_\_\_

Объектнинг манзили \_\_\_\_\_

Текширилган кунда бажарилаётган ишлар

Т/р	Аниқл анди	Берилган кўрсатмалар	Бажриш муддати	Бажарилганлиги ҳақида белгилар
1	2	3	4	5

Изоҳ. Кўрсатмани олган ташкилот:  
аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича уч кун муддат ичида  
“Чора-тадбирлар” ишлаб чиқиш;  
аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида буюртмачининг  
техник назоратчиси билан биргаликда “Далолатнома” тузиб, Курилиш ва уй-  
жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясига  
тақдим этиши лозим.  
Шу билан бирга, “Кўрсатма”нинг 5-устунига камчиликлар бартараф  
этилганлиги тўғрисида инспекторнинг имзоси қўйилади.  
Юқоридаги кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда тузатилмаса,  
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги  
кодексининг 99-моддасига асосан маъмурий чоралар қўлланилиши мумкин.

ҚСХН қилиш инспекцияси инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.);

е) 4-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ  
\_\_\_\_\_ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
(худуд номи) СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

\_\_\_\_\_ 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_  
ҚУРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА  
\_\_\_\_\_ -сон ЁЗМА КЎРСАТМА

Кимга \_\_\_\_\_  
(қурилиш ташкилотининг тўлиқ номи, юқори ташкилоти)

Объект: \_\_\_\_\_  
(тўлиқ номи)

Бош пудратчи \_\_\_\_\_

Бажарилаётган ҚМИларида қуйидаги қоида бузишлар аниқланди:

\_\_\_\_\_

Аниқланган қоида бузилишлар бартараф этилгунга қадар \_\_\_\_\_  
(иш турлари)

20\_\_ “\_\_” \_\_\_\_\_ эътиборан вақтинча

ТЎХТАТИЛСИН:

Қўрсатилган камчиликлар бартараф этилгач, пудрат ташкилоти (буюртмачи) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясига хабар бериши шарт. Қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришга фақат Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ёки масъул инспектор рухсат беради.

ҚСХН қилиш инспекцияси инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)

Қўрсатмани бажариш учун қабул қилди:

Бажаришга қабул қилди

Буюртмачи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)

Пудратчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)";

ё) 5-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

\_\_\_\_\_ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ  
(худуд номи) СОҲАСИДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

\_\_\_\_\_ 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_  
МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДА  
\_\_\_\_\_ -сон БАЁННОМА

Баённомани

тузувчи: \_\_\_\_\_  
(лавозими ва Ф.И.О.)

Объектнинг номи ва

манзили: \_\_\_\_\_

объектида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан давлат қурилиш назорати ўтказилиб, \_\_\_\_\_

(ташкilotни номи, мансабдор шахснинг лавозими, Ф.И.О. ва манзили)

томонидан қуйидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар:

Ф.И.О.: \_\_\_\_\_;

Туғилган йили ва жойи: \_\_\_\_\_;

Паспорт серияси ва рақами: \_\_\_\_\_;

Маълумоти: \_\_\_\_\_;

Иш жойи (лавозими): \_\_\_\_\_;

Яшаш жойи: \_\_\_\_\_;

Хуқуқбузарлик содир этилган жой ва вақт: \_\_\_\_\_;

Хуқуқбузарликнинг моҳияти: \_\_\_\_\_;

(йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатган ҳолда)

Юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг \_\_\_\_\_-моддаси \_\_\_\_\_-қисмида белгиланган.

Хуқуқбузарга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилди: \_\_\_\_\_

(имзо)

Хуқуқбузарликка йўл қўйган шахснинг тушунтириши: \_\_\_\_\_

ҚСХН қилиш инспекцияси инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)  
Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахс \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)  
Изоҳ. \_\_\_\_\_  
(ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда,  
баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади)”.  
\_\_\_\_\_

**3. Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорида:**

а) 1-илованинг 23-банди биринчи ва иккинчи хатбошилари “Қурилиш” сўзидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-илованинг учинчи хатбошиси “Қурилиш” сўзидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 3-илованинг 11, 19 ва 20-бандлари “Қурилиш” сўзларидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 4-илованинг 2-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш учун аккредитация қилинган юридик шахслар, тижорат банклари ҳамда бошқа ваколатли органлар қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш ҳуқуқига эга ташкилотлар (кейинги ўринларда – ваколатли ташкилот) ҳисобланади”.

**4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:**

а) 18-иловада:

3-позициядаги “юридик шахслар” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси резиденти юридик шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассасаси бўлган норезидент юридик шахслар” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позиция “а” кичик бандининг учинчи хатбошисидаги “лицензия тоифалари бўйича танлаш” сўзлари чиқариб ташлансин;

8- позициядаги “15” сони “10” сони билан алмаштирилсин;

б) 19-иловада:

3-позициядаги “юридик шахслар” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва чет эл юридик шахслари (доимий муассасаси мавжуд бўлган)” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позиция “Қурилиш” сўзларидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позицияда:

“а” кичик банднинг учинчи хатбошисидаги “лицензия тоифалари бўйича танлаш” сўзлари чиқариб ташлансин;

“б” кичик банддаги “лавозимлари” сўзидан кейин “диплом” сўзи билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин;

“г) лицензия талабгори (лицензиат) штатидаги ходимларнинг тегишли сертификатларини тақдим этиши лозим.”

8-позициядаги “30” сони “20” сони билан алмаштирилсин;

9-позицияда:

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) юридик шахс штатида камида 15 нафар мутахассис, шу жумладан, директор, ушбу соҳа бўйича олий маълумотга ва лойиҳалаштиришда 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган камида 3 нафар лойиҳа бош муҳандиси, 1 нафар лойиҳа бош архитектори, 2 нафар технолог, 2 нафар конструктор айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича ишлаши, қолган олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган 7 нафар мутахассис асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида ишлаши, шундан камида 1 нафар лойиҳа бош муҳандиси ва лойиҳа бош архитектори тегишли сертификатларга эга бўлиши\*”;

“г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) юридик шахс штатида ушбу соҳа бўйича олий маълумотга, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган камида 10 нафар мутахассис, шу жумладан, камида 7 нафар (бош муҳандис, техник-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, қурилишда иш юритувчи (прораб), монтажчи, бетончи, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси мутахассиси, қурувчи-усталар) айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 3 нафари участка раҳбари, ички назоратчиси, пайвандчи, техник ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси каби мутахассислар асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида мавжуд бўлиши, шундан муҳандис ва ички назоратчи тегишли сертификатга эга бўлиши\*”;

“д” кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Лицензияловчи орган лицензиат ходимларининг меҳнат дафтарчалари ҳақидаги маълумотни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан ўзи мустақил олади”;

в) 20-иловада:

3-позициядаги “юридик шахслар” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва чет эл юридик шахслари (доимий муассасаси мавжуд бўлган)” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позиция “Қурилиш” сўзларидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позицияда:

“а” кичик банднинг учинчи хатбошисидаги “лицензия тоифалари бўйича танлаш” сўзлари чиқариб ташлансин;



“б” кичик банддаги “лавозимлари” сўзидан кейин “диплом” сўзи билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин;

“г) лицензия талабгори (лицензиат) штатидаги ходимларнинг тегишли сертификатларини тақдим этиши лозим”;

8- позициядаги “30” сони “20” сони билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Лойиҳалаштириш бўйича:

а) лойиҳалаштириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига мажбурий риоя этиш;

б) юридик шахс штатида камида 10 нафар мутахассис, шу жумладан, директор, ушбу соҳа бўйича олий маълумотга ва лойиҳалаштиришда 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган 3 нафар лойиҳа бош муҳандиси, 1 нафар лойиҳа бош архитектори, 1 нафар технолог, 1 нафар конструктор айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича ишлаши, қолган 5 нафар мутахассис олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида ишлаши, шундан камида 1 нафар лойиҳа бош муҳандиси ва лойиҳа бош архитектори тегишли сертификатларга эга бўлиши;\*

қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича:

в) шаҳарсозлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, тегишли давлат стандартлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мажбурий риоя этиш;

г) камида 10 нафар мутахассис, шу жумладан, камида 5 нафар (бош муҳандис, техник-ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, қурилишда иш юритувчи (прораб), монтажчи, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси мутахассиси, ички назоратчиси каби мутахассислар айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 5 нафар мутахассислар олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида мавжуд бўлиши, шундан муҳандис ва ички назоратчи тегишли сертификатга эга бўлиши;\*

д) муҳандислик асбоб-ускуналари ва зарур бўлган техника воситаларининг мавжуд бўлиши.\*

Лицензияловчи орган лицензиат ходимларининг меҳнат дафтарчалари ҳақидаги маълумотни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан ўзи мустақил олади”.

10-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги”.

12-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“\* *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.*

Лойиҳалаштириш фаолиятини лицензиялаш учун ариза берилганда, келишиладиган органлардан хулоса олиш учун сўровнома юборилмайди.”

г) 21-иловада:

2-позицияда:

“е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) уй-жой-хўжалик, фуқаролик мақсадига мўлжалланган объектлар ва комплекслар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;”

“н” кичик банддаги “ҳужжатлар” сўзи “ҳужжатларни ишлаб чиқиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

“т” кичик банддаги “ҳужжатлари” сўзи “ҳужжатларни ишлаб чиқиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-позициядаги “юримдик шахслар” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юримдик шахслар ва чет эл юримдик шахслари (доимий муассасаси мавжуд бўлган)” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позиция “Қурилиш” сўзларидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-позицияда:

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) лицензия талабгори III тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензияни олиш учун қўшимча равишда ўнтадан кам бўлмаган объектлар қурилиши юзасидан лойиҳалаштириш бўйича жами бажарилган ишларнинг рўйхатини, улар юзасидан мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органлари берган хулосалар нусхаларини ҳамда ушбу қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган объектларнинг муаллифлик назорати дафтарларини тақдим этиши лозим”;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) лицензия талабгори IV тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензия олиш учун

III тоифадаги объектлар қурилиши юзасидан лойиҳалаштириш бўйича тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органлари берган хулосалар нусхаларини ҳамда ушбу қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган объектларнинг муаллифлик назорати дафтарларини тақдим этиши лозим.

Лицензия талабгори (лицензиат) штатидаги ходимларнинг тегишли сертификатларини тақдим этиши лозим.”

7-позицияда:

“е” кичик банддаги “уй-жой” сўзлари “уй-жой-хўжалик,” сўзлари билан алмаштирилсин;

“ц” кичик банднинг ўн биринчи хатбошисидаги “КИП” сўзи “назорат-ўлчов ускуналари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“ч” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ч) мукаммал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш – БХМнинг 50 баравари.

Давлат божи қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасининг махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тенг миқдорда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.”

9-позицияда:

“а” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) лойиҳалаштиришда қонунчилик ҳужжатлари, давлат стандартлари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига, шунингдек, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлар, энергия самарадорлиги кўрсаткичлари, ёнғинга қарши ҳамда экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мажбурий риоя этиш;

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) юридик шахснинг штатида қуйидаги мутахассисларнинг мавжуд бўлиши:\*

объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича I тоифадаги объектлар учун – камида 5 нафар мутахассис, шу жумладан, директор ва лойиҳа бош муҳандиси айти шу ташкилотда асосий иш жойи

бўйича, қолган 3 нафари асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида ишлаши;

объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун – камида 10 нафар мутахассис, шу жумладан, директор, 3 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган камида 2 нафар лойиҳа бош муҳандиси, 1 нафар лойиҳа бош архитектори ва 1 нафар архитектор айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 5 нафар мутахассис асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида ишлаши;

объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун — камида 15 нафар мутахассис, шу жумладан, директор, 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган камида 3 нафар лойиҳа бош муҳандиси, 1 нафар лойиҳа бош архитектори ва 3 нафар архитектор айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 7 нафар мутахассис асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида ишлаши;

объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича IV тоифадаги объектлар учун — камида 20 нафар мутахассис, шу жумладан, директор, 7 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган камида 3 нафар лойиҳа бош муҳандиси, 1 нафар лойиҳа бош архитектори ва 3 нафар архитектор айти шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 12 нафар мутахассис асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида ишлаши;

камида 1 нафар лойиҳа бош муҳандисининг тегишли сертификатга эга бўлиши”;

“в” кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) III тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензияни олиш учун лицензия талабгорининг камида бир йил мобайнида фаолият юритганлиги ҳамда ўнтадан кам бўлмаган объектлар қурилиши юзасидан лойиҳалаштириш бўйича жами бажарилган ишларнинг рўйхати, улар юзасидан мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органлари берган хулосалар нусхаларини ҳамда ушбу қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган объектларнинг муаллифлик назорати дафтарлари мавжуд бўлиши\*”;

қуйидаги мазмундаги “г”, “д”, “е”, “ё”, “ж”, “з”, “и”, “й” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

г) IV тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензияни олиш учун III тоифадаги объектлар қурилиши юзасидан шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш бўйича тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органлари берган хулосалар нусхаларини ҳамда ушбу қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган объектларнинг муаллифлик назорати дафтарлари мавжуд бўлиши;\*

д) мазкур паспортнинг 2-банди “а”, “б”, “в”, “г”, “з”, “й”, “к”, “м”, “л” ва “с” кичик бандларида белгиланган лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари билан фақатгина III ва IV тоифадаги объектларнинг архитектура-

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар шуғулланишлари мумкин;\*

е) Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сон қарори билан тасдиқланган Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентга 2-иловада келтирилган объектлар бўйича лицензияда рухсат берилган мураккаблик тоифаларига мувофиқ фаолиятни амалга ошириш;\*

ё) лицензияда рухсат берилган кичик фаолият турлари бўйича фаолиятни амалга ошириш;

ж) ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик фаолиятининг субъектлари билан меҳнатга оид, молиявий жиҳатдан ва (ёки) бошқача тобелик муносабатларида бўлган ёки эр (хотин) ва (ёки) бошқа яқин қариндошлар иштироки мавжуд (манфаатлар тўқнашувига сабаб) бўлган экспертиза ташкилотидан ўтказмаслик;\*

з) бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш кичик фаолият тури учун юридик шахс штатида камида 2 нафар конструктор асосий иш жойи бўйича ҳамда белгиланган тартибда аккредитацияланган махсус лабораториялар ва асбоблар мавжуд бўлиши;

и) қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларни (муҳандислик-геодезия қидирувларидан ташқари) бажариш кичик фаолият тури учун юридик шахс штатида геология соҳаси бўйича касбий маълумотга эга бўлган камида 2 нафар мутахассис асосий иш жойи бўйича ва белгиланган тартибда аккредитацияланган бурғулаш техникаси ва асбоб-ускуна ҳамда тупрок кимёвий лабораторияси мавжуд бўлиши;

й) мукаммал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш кичик фаолият тури учун юридик шахснинг штатида камида 4 нафар мутахассис, шу жумладан, қурилиш ёки лойиҳалаш соҳасида 3 йил иш стажига эга бўлган камида 2 нафар мутахассис айна шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича, қолган 2 нафар мутахассис асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида ишлаши;

“Г” кичик банд “к” кичик банд деб ҳисоблансин;

12-позициянинг учинчи устунни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Лицензиат объектларнинг мураккаблик тоифасини ўзгартириш ҳақида ариза берганда, унинг аризаси лицензияни ўзгартириш қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Мазкур паспортнинг 2-банди “а”, “б”, “в”, “г”, “д”, “у”, “х”, “ч” кичик бандларида белгиланган лицензияланадиган фаолиятнинг кичик муқим турларига эга бўлган лицензиатлар лицензия объектларнинг мураккаблик тоифасини ўзгартиришда, қўшимча равишда 10 тадан кам бўлмаган объектни лойиҳалаштириш бўйича жами бажарилган ишларнинг рўйхатини, улар юзасидан мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органлари

берган хулосалар нусхаларини ҳамда ушбу объектлар бўйича муаллифлик назорати дафтарларини тақдим этиш талаб этилмайди.

Ушбу паспортнинг 2-банди “е”, “ж”, “з”, “и”, “й”, “к” кичик бандларида белгиланган лицензияланадиган фаолиятнинг кичик муқим турларига эга бўлган лицензиятлар мазкур банднинг “о”, “п”, “р”, “т”, “ф”, “ц”, “х” кичик бандларида белгиланган лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари билан ҳам шуғулланиш ваколатига эгадирлар.

Ташкилот таркибида лойиҳалар бош архитектор ва лойиҳа бош муҳандисларининг мавжуд бўлиши бажариладиган ишларнинг хусусияти билан белгиланади.

Қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларни бажариш ҳамда мукамал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш кичик фаолият турлари учун лицензия тоифалари талаб этилмайди.

*\* Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар*”;

д) 26-иловада:

5-позициянинг “з” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“з) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг юридик шахснинг моддий-техник базасининг, ишларни амалга ошириш технологиясининг лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги ҳамда камида уч йиллик иш стажига эга бўлган бештадан кам бўлмаган, соҳа бўйича олий маълумотли мутахассисларнинг (лойиҳалаштиришда – конструктор, лойиҳа бош муҳандиси, технологлар, қуриш, таъмирлаш, фойдаланишда – бош механик, бош муҳандис, геодезчи, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси, бош энергетик) айна шу ташкилотда асосий иш жойи бўйича мавжуд бўлиши;

лицензияловчи орган лицензиат ходимларининг меҳнат дафтарчалари ҳақидаги маълумотни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ўзи мустақил олади”;

9-позициянинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) юридик шахс штатида лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича олий маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган бештадан кам бўлмаган (лойиҳалаштиришда – конструктор, лойиҳа бош муҳандиси, технологлар, қуриш, таъмирлаш, фойдаланишда – бош механик, бош муҳандис, геодезчи, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси, бош энергетик) бўлим раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларнинг, шунингдек, хизмат кўрсатувчи техник ходимларда махсус тайёргарликнинг мавжуд бўлиши\*”;

10-позиция “Қурилиш” сўзидан кейин “ва уй-жой коммунал хўжалиги” сўзлари билан тўлдирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 23 ноябрдаги 619-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарори) 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига илованинг 17-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори) 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

